O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 3 ИЮЛ, сешанба
№ 27 (231)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Уйғоқ сўз

МАТБУОТ — ҲУҚУҚИЙ ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ОМИЛИ

Мамлакатимизда бозор муносабатлари тамойилларига асосланган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан борилмоқда. Ушбу жараённинг қай даражада кечиши, аввало, тафаккуримиз, яъни ҳуқуқий онгимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида таъкидланганидек: **"Бизнинг орзу-мақсадларимиз, интилишларимиз барчага аён: халқимизнинг эркин, фаровон ҳаётга кафолат берадиган, инсон ҳуқуқларини устувор қадрият сифатида эътироф этадиган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишдир...**

Бугун биз янги ҳаёт, демократик қадриятлар сари қадам қўяр эканмиз, ҳаётнинг ўзи жамиятимизда ҳам сақланиб келаётган баъзи муносабатларни тубдан ўзгартиришга, янгича фикрлашга даъват этаётганини англаб олишимиз керак.

Содда қилиб айтганда, бугун замон биз ўрганиб, одатланиб қолган, оёғимизга кишан бўлиб турган айрим ёндашув ва қарашлардан воз кечишни талаб қилмоқда".

Кишиларнинг тафаккурини тубдан ўзгартиришда, улар онгига бозор қонуниятлари ва бозор қўнникмалари моҳиятини сингдиришда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос ўрни бор. Зеро, мамлакатимизда Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан матбуот ва ОАВ-лари "тўртинчи ҳокимият" мақомини олди. Матбуот ва ОАВ ларини ривожлантириш ва ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қонунлар тизими яратилди. Бошқача айтганда, ўзбек матбуотининг ўзига хос миллий модели шакллантирилди. Унда миллий анъаналар билан умумбашарий қадриятлар уйғунлиги мужассамлаштирилган.

Мана бир неча йилдирки, истиқлол иноғти билан матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни касб байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Ва ҳар йили Юртбошимиз журналистларнинг касб байрами муносабати билан табрик хати йўллаб, уларни кўтаринки руҳ билан ишлашга даъват этиб **"Биз журналист деганда, аввало, ўз ўрнини доимо ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида деб биладиган ҳар қандай вазиятда ҳам халқ ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида касб маҳорати ва фуқаролик позициясини намоён этадиган қатъятли инсонларни тасаввур этамиз"**, дейди. Ушбу жумлалар ботинида журналист касбининг жамият ҳаётидаги ижтимоий салмоғи нечоғли катта эканлиги чуқур ифодаланган. Қолаверса, истиқлол шарофати ила таъсис этилган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони ҳам ушбу касб эгаларига бўлган ҳурмату эҳтиромнинг амалий ифодасидир.

Энди масаланинг иккинчи томонига эътиборни қаратайлик. Хўш, янги замон биз журналистлардан нималарни кутяпти? Қолаверса, Юртбошимизнинг юқоридаги даъват ва ишончига жавобан қандай меҳнат қилмоғимиз керак? Табрик мактубида ҳам таъкидлангандек, бозор муносабатларини шакллантириш жараёни осонлик билан кечаётгани йўқ. Аввало, у ички зиддиятларнинг муросасиз кураши тарзида, яъни тафаккур тарзимиздаги ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Ҳаётнинг ўзи ҳар қандай вазиятда эскича фикрлаш, эскича муносабатлардан воз кечиб, янгича фикрлаш, ҳаракат қилишга даъват этмоқда. Юқоридаги саволларга тўлақонли жавоб бериш учун яна ўша табрик хатига мурожаат этайлик. Унда **"Агар биз олдимизга қўйган мақсад-марраларга тезроқ етмоқчи бўлсак, ўзимиз қураётган адолатли, эркин ва фаровон ҳаётни тезроқ қурмоқчи бўлсак, аввало, шу мақсадга эришиш, ҳаётимизда демократик тушунчаларни қарор топтириш учун бел боғлаган инсонларни ўз бурчини, зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан адо этиш талаб қилинади"** дейилади.

Хўш, бизга билдирилган ишонч ва зиммамизга юкланган вазифаларни қандай бажараяпмиз? Ҳозирда барчамиздан "ўз ишини виждонан бажариш" талаб этилаётган бўлса, журналист аҳлидан "фуқароларнинг фаолиятига танқидий кўз билан қараб, рўй бераётган камчилик ва нуқсонларни холисона очиб бериш" талаб қилинмоқда.

Бозор муносабатлари бизнинг матбуот тўғрисидаги тасаввуримизни ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Яъни бозор тамойиллари матбуот олдига ҳам ўзига хос янги вазифалар қўяди. Бозор муҳити, аввало, эркин рақобатга таянади. Матбуот ҳам айни шу қонуниятга амал қилади. У, аввало, мафкуравий ҳаётнинг қудратли ҳаётбахш воситаси сифатида турлича қарашлар, нуқтаи назарлар, фикрлар, ёндашувлар ранг-баранглигини шакллантириш, ҳаётдаги у ёки бу муаммо, камчиликлар юзасидан фикрлашга, уларни бартараф этишга хизмат қилади.

Матбуот, аввало, ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг қудратли омилига, демократик жараёнларни холисона баҳолаш мезонига айланди. Шундай экан, журналист аҳли ўзининг диққат-эътиборини ҳаётнинг мақсади, мазмунини имкон қадар теран очиб беришга қаратмоғи керак. Жараёнлар, ҳодисаларнинг моҳиятини чуқурроқ кўрсатиш, ислоҳотларнинг амалга оширилишини холисона таҳлил қилиш, янги демократик қадриятларни, у ёки бу масала юзасидан сўровлар ўтказиш йўли билан ижтимоий фикрни шакллантириш, адолат мезонларию ошкоралиқни қарор топтириш, жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучларини фаоллаштириш, жамиятнинг потенциал салоҳиятини эзгу мақсадлар томон йўналтириш ва сафарбар этиш унинг бош вазифасидир.

Истиқлол матбуоти ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг қудратли воситаси, демократик жараёнларни ривожлантиришнинг ҳаётбахш омили, холис фикр ифодачиси ва инсон манфаатларининг фаол ҳимоячиси тарзида иш кўрмоғи лозим. Ҳаёт шуни тақозо этмоқда.

Энг азиз, энг улуғ байрамимизга 59 кун қолди





Қонун барча учун баробар

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИДАГИ НОХОСЛИКЛАР

Иккинчи мақола

Туман ер ресурслари ҳамда кўчмас мулк қадастри хизматлари томонидан амалдаги қонунлар ва тартибларнинг бузилиши, тадбиркорларнинг аризаларини кирим қилмаслик, уларнинг ижросини таъминламаслик ҳолатлари аниқланди. Жумладан, **Қизилтепа тумани ҳокимлиги ер ресурслари хизмати** томонидан 65 та фермер хўжалигига ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар берилган. Ҳолбуки, ушбу туманда айни пайтда 134 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ер ресурслари хизмати томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган хат, аризалар кирим қилинмаган, уларни рўйхатга олиш китобида эса кирим санаси ва ижро натижаси бўйича устунлар мавжуд эмас, яъни ижро назорати тегишли тартибда амалга оширилмаган.

Хатирчи тумани ҳокимлиги ер хизмати томонидан фермер ҳуқуқини тасдиқловчи 208 та гувоҳнома берилган, ваҳоланки, туманда 416 та фермер хўжалиги мавжуд.

Навоий туманида 224 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 133 тасига, **Нурота туманида** 232 та фермер хўжалиги мавжуд бўлса, 92 тасига ер участкасига эгалик ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар берилган. Нурота туманида фуқаролар томонидан ер участкаси сўраб, мурожаат қилинган хатлар жавобсиз қолдирилмоқда. Бу ҳол Навоий тумани ер ресурслари хизмати фаолиятида ҳам учрайди.

Қизилтепа, Навоий, Хатирчи туманларида ер ресурслари хизмати томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш китоби юритилмаган.

Вилоят, туман (шаҳар) ер ресурслари хизматлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ноқонуний текширишлар ўтказилганлиги аён бўлди. Жумладан, вилоят ер ресурслари хизмати бошқармаси томонидан кармана узел почта алоқасида текшириш учун буйруқ мавжуд бўлмаса-да, текшириш ўтказилган.

Вилоят, туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлимлари томонидан **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 11-моддаси талаблари бузилган. Яъни Қизилтепа тумани архитектура ва қурилиш бўлими томонидан фуқаро ва ташкилотлардан келиб тушган хат ва аризаларни кирим қилиш китоби юритилмаган.

Вилоят ва туман (шаҳар)лар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари томонидан тадбиркорларнинг фаолияти мониторинги ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тадбирлар етарли даражада амалга оширилмаган.

Статистика маълумотларига кўра ҳозирга қадар вилоятда 6587 та юридик шахс, 5129 та якка тартибдаги тадбиркор фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан атиги 2901 таси **«Текширишларни рўйхатга олиш китоби»** билан таъминланган. Палата томонидан вилоят миқёсида 2320 дона «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг қалбаки нусхалари тарқатилган.

Палаталар томонидан якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишда мажбурий равишда палатага аъзоликка қабул қилиш, аъзолик бадалларини олдиндан тўлатиш ҳолатлари жорий қилинган. Жумладан, **Нурота тумани тадбиркорлар палатаси** томонидан тадбиркорларнинг ҳужжатларини тайёрлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун палата аъзолигига олдиндан кириш ва аъзолик бадалларини ундириш тартиби жорий этилган.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"2001 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"**ги Фармони эълон қилинди.

* * *

Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги "Халқобод" ширкат хўжалигининг Файзулла Абдуллаев бошлик оила пудрати пахта далаларида "Термиз-31" навли ипак пахта очилди.

* * *

Наманган вилояти деҳқонлари давлатга дон сотиш йиллик топшириғини бажардилар. Давлатга 213 минг тоннадан ортиқ сара дон топширилди. Уруғлик дон тайёрлаш режаси ҳам муваффақиятли уддаланди.

* * *

Миллий матбуот марказида "Оммавий ахборот воситаларида ахборот хизматини такомиллаштириш: амалиёт, тажриба, муаммо ва ечимлар" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

* * *

Тошкентда ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида самбо бўйича Осиё чемпионати якунланди. Унда 8 мамлакатдан ташриф буюрган 200 нафар спортчи иштирок этди.

***

Уч йил муқаддам Ангрен шаҳридаги радиотехника касб-ҳунар коллежига 167 нафар талаба қадам қўйган эди. Куни кеча коллежнинг илк қалдирғочларига мустақил ҳаётга йўлланма берувчи дипломлар топширилди.

***

Малайзияда футбол бўйича Мердека Кубоги - Мустақиллик кубоги учун халқаро анъанавий турнир ўз ниҳоясига етди. Унда 8 мамлакат терма жамоалари қатнашди. Ярим финал босқичигача ўйинлар икки гуруҳда ўтказилди. Ўзбекистонликлар Малайзия, Ҳиндистон ва Таиланд терма жамоалари билан бир гуруҳда тўп суришди.

***

Чирчиқда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг барча қўшин турлари учун сержантлар тайёрлайдиган мактаб очилди.

Муносабат

«ОҒЗАКИ БУЙРУҚ-БОЗЛИКДАН ЧАРЧАДИМ...»

Газетанинг ўтган сонида чоп этилган «Мен қандай қилиб фермер бўлдим?» мақоласини ўқиб қайтадан уйғонгандай бўлдим. Бир аёл кишининг сабр-матонати, тўсиқларни чидам билан енгиб келажакка ишонч билан қараши кўнглимга таскин берди.

Мен асли тракторчиман. Бундан ўн йил муқаддам Президентимиз даъватларидан қанотланиб, деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этдим. Дастлаб 16 сотих ерга плёнка билан ёпиб, помидор кўчати экдим. Шундан бир миллион сўм даромад олдим. Бир миллион сўм ўша пайтда ў-ҳў... Булунғурда биринчи фермерман, десам, хато бўлмайди. Оддий бир тракторчининг бир парча жойдан бир миллион сўм фойда олиши кўпчиликни шошириб қўйди. Бирдан тарафдорларим кўпайди. Деҳқон-фермерлар уюшмаси ташкил этилиб, Анорбой Самадов деган чаққон, жонкуяр йигит бизнинг гамхўримизга айланди. Деҳқон-фермерларнинг даромадлари ўзга кўриниб қолди. Ўшанда эски тузум тарафдорлари билан янги тузум тарафдорлари тўқнашувининг гувоҳи бўлганман. Бир тарафда, жамоа хўжалиги раислари деҳқон-фермерга ер бергиси келмайди, тан олмайди, иккинчи томондан, янгиликка интилувчи, ҳақини бировга бермайдиган деҳқон-фермерлар. Тўғрисини айтиш керак, ўша пайтда туман ҳокими ҳам раислар тарафида, янгиликни, тараққиётни англаб етмаган бир кўйда эди. Бироқ мустақиллик биз томонда, Президентимиз бизнинг тарафдоримиз эди. Мамлакатимизда кенг қамровли ислоҳотлар қанот ёзаётган эди. Албатта, ўтган ўн йил мобайнида юртимизда янги деҳқон-фермерлар авлоди пайдо бўлди. Лекин шу билан бирга бу ишга қўл урган кишиларнинг кўпчилиги турли йўсиндаги қаршилик, иллат ва баъзан маҳаллий раҳбарларнинг очиқ-ошкор тазйиқига чидай олмасдан, бошқа ишларнинг бошини тутиб кетди.

Мана бир мисол. 1995 йилда 18 та деҳқон-фермер хўжалиги «Дўстлик» ижара хўжалиги қошидаги «Машъал» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси деб эълон қилингач, хўжалик раиси, ҳокимият вакиллари уларга зуғум қилиб (ўша йили хўжаликларда узумни совуқ уриб кетганди), «Нега узум планини бажармадинг, сен фермерсан, бажаришинг керак», деб роса олиб бориб-олиб келишди. Ўшанда кўпчилик ўзига тўқ фермерлар ҳам бундай ноҳақликка чидай олмасдан хўжаликларини ёпиб юборишди. 18 та деҳқон-фермер хўжалигидан атиги 6 та қолди, холос.

(Давоми 3-бетда)

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Бугунги ҳаётимизни рекламаларсиз тасаввур этишимиз қийин. Чунки рекламалар истеъмол ва ахборот бозорини шакллантиришда бевосита иштирок этади.

Адлия вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги ўқув машғулотида Ўзбекситон Республикаси **«Реклама тўғрисида»**ги Қонуни талаблари қандай бажарилаётгани ҳақида сўз борди. Унинг иштирокчилари реклама бозорини қандай тартига солиш мумкин? Реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва реклама тарқатувчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар қандай бўлади? Рекламани тайёрлашда бевосита иштирок этган шахсларнинг муаллифлик ҳуқуқлари нималардан иборат? Рекламанинг мафқурага таъсири борми, каби саволларга атрофлича жавоб олишди.

Машғулотни юридик фанлари номзоди Б.Тошев олиб борди.

Орамиздаги одамлар

«ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ОИЛАМИЗ ТАҚДИРИДА»

Бухоро шаҳрида Раҳмат Ғаниев деган киши яшайди. Ҳозир унинг хонадони ҳар қачонгидан гавжум. Чунки у ўз уйида «Озод ва обод Ватан оиламиз тақдирида» деган кўргазма ташкил этган.

Кўргазмада намойиш этилаётган экспонатлар ўзига хос тарихга эга. Раҳмат Ғаниевнинг отаси Рауф Ғаниев ўз вақтида қимматли деб билган китобларни яшириб, қатағон йилларидан асраб олиб ўтган. Бугун Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, ат-Термизий, Навоийнинг ана шу ноёб асарлари кўргазмада намойиш этилмоқда. Уларнинг умумий сони юздан ошиқ бўлиб, аксарияти ҳаттотлар томонидан ўз вақтида кўчирилган, айримлари тошбосмада босилган. Уларга ишланган ноёб миниатюралар, шунингдек, Темурийлар тарихига доир манба ва ноёб тангалар, уй-рўзғор буюмлари кишилар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Кўргазмада истиқлол йиллари, Президентимиз фаолиятига оид алоҳида бўлим мажуд. Бу бўлимдан давлатимиз рамзлари, Юртбошимиз китоблари алоҳида ўрин олган.

Мустақилликнинг қадрига етиш учун тарихимизни, айниқса, кечаги кунимизни чуқур билишимиз керак, - дейди Раҳмат Ғаниев. - Ушбу кўргазма ҳам шунга хизмат қилади. Насиб этса, шунинг асосида музей ташкил этмоқчиман...

Д.ҲОТАМОВА,
С.ЖАББОРОВА

Адлия тизими

САМАРҚАНД

Вилоят адлия бошқармаси биргина июн ойининг ўзида фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб, хўжалик судига 30 та даъво аризаси киритди. Шарнома шартларини бажармаганликлари учун жавобгарлардан тадбиркорларга 21 миллион 828 минг 329 сўм асосий қарз, 2 миллион 973 минг 938 сўм пеня суммаси суд тартибида ундириладиган бўлди.

* * *

Самарқанд туманидаги "Алишер" фермер хўжалиги фойдасига "Самарқанд консерва" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси акционерлик жамияти ҳисобидан 1 миллион 237 минг 633 сўм ундириб берилди. Ўртада тузилган контрактация шартномасининг жавобгар томонидан бажарилмаганлиги суднинг ана шундай ҳал қилув қарори чиқаришига асос бўлди.

Мавзуга қайтиб

"ЎЗИНГИЗ ХОН, ҚЎЛАНКАНГИЗ МАЙДОНМИ?!."

Ёхуд газетадаги танқидий чиқишларга муносабат билдиришни ўзларига эп кўрмаётган айрим раҳбарларга эслатма

Таҳририятимизга келаётган шикоят-аризаларни кўздан кечирар экансиз, баъзан "Во ажаб", деб ёқа ушлаб қоласиз. Чунки Республика марказига йўлланган шикоятдаги муаммони хўжалик, туман, нари борса, вилоят миқёсида ҳам бемалол ҳал қилса бўлади. Бир деҳқон ёки оддий фуқаронинг арз-додини тинглаш, уни адолатли ҳал қилиш учун, албатта, марказдан тафтишчи бориши, журналист аралашиши, қай бир хўжалик ёки туманнинг номини газетада бутун мамлакатга "қора" қилиб кўрсатиш шарт эмас, ахир.

Лекин бизда ана шундай ҳол давом этаётганидан ҳам кўз юмолмаймиз. Бу газетамизда чоп этилаётган мақолаларда ҳам ўз аксини топмоқда. Нега шундай? Нима учун мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши жадал олиб борилаётган бир пайтда, жойлардан марказга келаётган шикоятлар оқими камаймаяпти? Бунинг сабаби нимада?

Юқоридаги саволларга жавоб ахтарсангиз, албатта, бир тўхтамга келасиз. Жойлардаги айрим маҳаллий раҳбарлар фуқароларнинг мурожаатларига бефарқ қарайдилар. Уларни тингламайдилар. Бугун раҳбарлик курсисига ўтиргач, эртага ўзи хон, қўланкаси майдон "хўжайин"га айланади. Бундай ғози енгил "хўжайин" лар "Мен қонун учун эмас, қонун мен учун ишлаши керак", деб ўйлайдилар. Ҳаётда ҳам ана шу ўй-фикрларига мос тарзда фаолият юритадилар. Ана шу фаолиятнинг натижаси ўлароқ, биз юқорида айтганимиз шикоятлар, газета саҳифаларидаги танқидий мақолалар пайдо бўлади.

Тўғрисини айтиш керак, баъзан газета аралашгач, ҳақ ўз ўрнида қарор топади. Шикоятчининг фуқаро сифатидаги барча ҳақ-ҳуқуқлари қонун ҳимоясига олинади.

Яна айрим ҳолатлар ҳам борки, бундан-да, кўз юмиб бўлмайди. Очиғини айтганда, ушбу мухтасаргина мақоламизнинг ёзилишига ҳам шу ҳолат туртки бўлди. Бу ҳолат шундан иборатки, жойлардаги айрим раҳбарлар ё қонунни билмайдилар ёки била туриб писанд қилмайдилар. Келинг, фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун мисолларга мурожаат қилайлик.

Агар муштарийларимизнинг ёдларида бўлса, газетамизнинг шу йил 15 майдаги 224-сонида "Бир хат изидан" рукни остида **"Ёлғон узоққа кетса ҳам, ҳақиқат қувиб етади"** сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Мақолада "Узун туманидаги айрим раҳбарларнинг бир минарга от берма, қабилида иш тутаётганлари" танқид қилинганди. Кўпчилик ўқувчиларимизнинг эътиборига тушган ана шу мақола, афсуски, узунлик раҳбарларнинг "муборак назар"ларидан четда қолди. Агар шундай бўлмаганида, улар таҳририятимизга икки энликкина жавоб хати йўллаган бўлармидилар?!

Худди шундай газетамизнинг 29 майдаги 226-сонида чоп этилган Каттақўрғон тумани Таварон қишлоғилик Замира Ҳосиловаининг "Мактуб" рукни остида эълон қилинган **"Ўн гектар ер можароси"** сарлавҳали хати ҳам туман ва хўжалик раҳбарлари томонидан эътиборсиз қолдирилди. Каттақўрғонлик раҳбарлар ҳам газетадаги чиқишга муносабат билдиришни ўзларига эп кўрмадилар.

Яна газетамизнинг 5 июндаги 227-сонида **"Деҳқон ер ололмади, лекин даладан ҳам кетмади"** сарлавҳали мақола эълон қилган эдик. Буни қарангки, Косон туманидаги раҳбарлар ҳам ўзларини билмаганга олиб қўя қолдилар. Яъни, таҳририятга жавоб хати йўлламадилар.

Ўзингиз кўриб турибсиз, биз бор-йўғи учтагина мисол келтирдик. Афсусланарли томони шундаки, бундай мисоллар рўйхатини яна давом эттиришимиз мумкин. Бу эса, жойлардаги маҳаллий раҳбарларнинг матбуотга, "Тўртинчи ҳокимият"га, қолаверса, мавжуд қонунчиликка эътиборсизликларидан далолат беради. Биринчидан, улар ўз ҳудудларидаги фуқароларнинг арз-додларини тингламасдан, уларни марказга шикоят йўллашга мажбур қилаётган бўлсалар, иккинчидан, матбуотнинг аралашувига ҳам тўраларча муносабатда бўлмоқдалар. Бундай тўраларча муносабат эса, албатта, халқнинг ҳам, қолаверса, журналистларнинг ҳам ҳақли норозилигига сабаб бўлади.

Ушбуни қоралашдан мақсадимиз, мамлакатимизда амал қилаётган қонунчилик, юқорида тилга олинган туманлардаги мутасадди раҳбарларга ҳам тегишли эканлигини яна бир карра эслатиб қўйишдир. Балки улар энди юқоридаги мақолалар тақдири ҳақида бизга жавоб йўллашар. Яна ким билади дейсиз...

Ислом ҲАМРО,
«Инсон ва қонун»
махсус мухбири

Конституция ва биз

ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИ

САККИЗИНЧИ САБОҚ

Бугунги эркин ҳаётимизда халқимизнинг миллий ифтихор, ғурур туйғуларини яна шакллантиришга хизмат қиладиган кўплаб омиллар юз кўрсатди.

Шуларнинг ичида энг қимматлиси - Давлатимиз рамзларидир.

Айтайлик, хорижда мамлакатимиз байроғи баланд кўтарилиб ҳилпирагандa, ёки мадҳиямиз баралла янграганда, ҳар биримизнинг юрагимиз дафъатан, тўлқинланиб кетади.

Бу — бежиз эмас, албатта.

Чунки, давлатимиз рамзларида халқимизнинг энг олийжаноб туйғулари ўзининг теран ифодасини топган.

Энг асосийси, давлатимиз рамзлари — юртимиз озодлиги, мустақиллигини тасдиқлайдиган муҳим ҳужжат сифатида бениҳоя қимматлидир.

Конституция сабоғи доирасида олиб борилаётган бугунги сабоғимиз — давлатимиз рамзларига бағишланади.

Уни юридик фанлар номзоди Ҳайдарали Муҳаммедов олиб боради.

Давлат рамзлари тўғрисида гапирар эканмиз, аввало, уларнинг моҳияти, ҳаётий зарурати ва тарихий келиб чиқиши ҳақида фикр юритсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки шундагина уларнинг давлат ҳаёти, мамлакат тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Давлат байроғи — бу тавсифи қонун томонидан (кўпинча Конституция билан) ўрнатиладиган, бирор давлатни бошқа давлатлардан фарқловчи расмий белгиси, нишонидир. У давлат мустақиллиги, суверенитети рамзи ҳисобланади. Давлат байроқлари, уларнинг ранги, тузилиши ва белгилари ўзбошимчалик билан, ихтиёрий суратда белгиланмайди. Улар халқнинг руҳиятини ўзида тўла акс эттирган чуқур рамзий маънога эга бўлиши керак.

Давлат байроқлари одатда давлат муассасалари, элчихоналар, консулликлар, миссиялар, божхоналар ва шу каби идораларнинг биноси устига кўтарилади. Элчихоналар, миссиялар, консулликлар миллий байрамлари куни ўз мамлакатларининг давлат байроқларини осиб қўядилар. Давлат байроқлари шунингдек, халқаро конференциялар очилиши, расмий маросим — учрашувлар чоғида, халқаро спорт совринлари берилаётган ва ҳоказо ҳолларда ҳам юқори кўтарилади.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ она Ўзбекистонимиз ҳам Олий давлат ҳокимияти томонидан белгиланган ва Асосий Қонунида мустаҳкамланган давлат рамзлари — Байроғи, Герби ва Мадҳиясига эга бўлди. Энг аввало, Давлат рамзларининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг амалда мустақил ва эркинлигини яққол тасдиқлайди. Давлатимиз мустақиллигининг рамзлари муқаддас саналади, уларни таҳқирлаш, нописандлик қонун билан жавобгарликка тортилади.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг

> ***Ўзбекистон Республикаси Қонун билан тасдиқланадиган давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.***
>
> **5-модда**

Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи муқаддас ва дахлсиздир, у давлатимиз мустақиллигининг рамзий белгисидир. Қонунда қайд этилганидек, байроғимиз халқаро майдонда — Ўзбекистон Республикаси делегацияларнинг хорижий мамлакатларга сафари пайти конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида юқори кўтарилиб, юртимиз шарафини улуғлайди. Мамлакатимиз байроғи доимий суратда — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг биносида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биносида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг биносида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши биносида, маҳаллий Кенгашлар ва республика доимий ваколатхоналари биноларида ҳилпираб туради. Қонунда байроқ кўтариладиган жойлар ва унинг кўтариш вақт қайд этилган.

Шунингдек, Конституциямизнинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз давлат гербига эга эканлиги ҳам таъкидлаган. Давлат герби ҳар қандай давлат мустақиллигининг рамзий белгиларидан бири ҳисобланади. Умуман герб тушунчаси немисча ёки полякча мерос деган маънодан келиб чиққан. Герб — бу тамға, эмблема, мерос бўлиб қолган, бир давлатни бошқалардан ажратиб турадиган белгиси, тамғаси, нишони — тимсолидир. Герб — бу қайси давлатга тегишли бўлса, ўша давлатнинг тарихий анъаналарини ифодаловчи рамзий аҳамиятга эга бўлган тасвирлар ва нарсалар йиғиндиси.

1992 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган герб давлатимизнинг сиёсий, миллий, хўжалик, жуғрофий, этнографик ва бошқа ўзига хос хусусиятларини ҳамда бой тарихий анъаналарини мужассамлаштирган. Шунингдек, гербимизда Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат тузилиши тамойиллари ўзига хос тарзда ифода этилган.

Демак, Ўзбекистоннинг давлат герби ҳам давлат мустақиллигининг рамзи бўлиб, республиканинг расмий белгиси сифатида унинг муҳрига, бир қатор расмий давлат қоғозларига туширилади.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасида кўзда тутилган яна бир меъёр — бу Ўзбекистоннинг ўз давлат мадҳиясининг мавжудлигидир. Давлат мадҳияси ҳақида сўз борар экан, унинг қачон, қаерда ва нима сабабдан пайдо бўлганлигини билиб олиш муҳим. Мадҳия — гимн грекча сўздан олинган ибора бўлиб, у дастурий характердаги шеърни тантанали қўшиқ қилиб таранним этилиши маъносида қўлланилади. Мадҳияларнинг бир неча турлари мавжуд. Масалан, давлат, инқилоб, ҳарбий, диний ва ҳоказо мадҳиялар бор. Буларнинг ичида энг асосийси давлат мадҳияси ҳисобланади.



Давлат мадҳияси ҳозирги замонда барча мустақил давлатларда мавжуд герби билан бир қаторда давлатнинг расмий тантанавор рамзи бўлиб ҳисобланади. Худди шунингдек, Ўзбекистон ҳам мустақил давлат сифатида ўз давлат мадҳиясига эга.

Ўзбекистоннинг давлат мадҳияси узоқ ижодий изланишлар натижасида Абдулла Орипов томонидан ёзилиб, таниқли санъат арбоби Мутал Бурҳонов томонидан басталанди ва 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинди. Дадил айтиш мумкинки, мадҳиямизда халқимизнинг асрий орзу-интилишлари ва юксак ҳис-туйғулари тўла ўз ифодасини топган.

Президентимиз Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, **давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир.**

Қонун барча учун баробар

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИДАГИ НОХОСЛИКЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларини палатага аъзоликка қабул қилиш тўғрисида тузилган шартномаларни қонунчилик талабларига зид равишда тузиш ёки умуман шартнома тузилмасдан палата аъзолигига қабул қилиш ҳолатлари учрайди. Жумладан, Қизилтепа туманида жорий йилнинг биринчи чорагида юридик шахслар билан бирорта ҳам шартнома тузилмаган. Аъзоликка қабул қилинган 151 та якка тартибдаги тадбиркорнинг 51 таси билан умуман шартнома тузилмаган.

Конимех туманида 2000-2001 йилнинг биринчи ярми давомида бирорта ҳам тадбиркорлик субъекти палата аъзолигига қабул қилинмаган.

Хатирчи, Навоий, Нурота туманларида ва Навоий шаҳрида палаталар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида палата аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги шартномалар тузилмаган.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тадбиркорларни ҳимоя қилиш ва уларнинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича ўзининг ҳуқуқ ва ваколатларидан етарли даражада фойдаланмяпти. Масалан, палаталар «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасига мувофиқ жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларига алоқадор бўлган қарорларини экспертиза қилиш бўйича ўз ваколатларини амалга оширмаяпти. Натижада туман (шаҳар) ҳокимликлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини чекловчи қарорлар қабул қилиниши ёки ҳаракатларни амалга ошириш ҳолатлари мавжуд.

Давлат мулкини бошқариш вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан давлат мулки ёки бошқа мулкни сотишда Фуқаролик кодексининг 380-моддасида белгиланган мол-мулкни сотиш тартибига риоя қилинмаган. Чунончи, вилоят кўчмас мулк биржаси томонидан (07.07.2000 йилда) 11 та мол-мулклар юзасидан кимошди савдоси ўтказилган бўлиб, бу ҳақда эълон 5 кун олдин вилоят газетасида берилган, бунинг натижасида 11 та объектдан фақаттина биттаси сотилган, холос. Ёки вилоят кўчмас мулк биржаси томонидан (25.07.2000 йилда) 9 та мол-мулк ва 107 та ер майдони кимошди савдосига қўйилган бўлиб, бу тўғридаги эълон матбуотда 2 кун олдин берилган. Бунинг оқибатида ушбу кимошди савдосига қўйилган мол-мулкнинг атиги 15 таси сотилган.

Кўчмас мулк биржаси вилоят бўлими томонидан ўтказилган кимошди савдоларида ўтган йили 453 та, шу йилнинг биринчи чорагида 170 та объект сотилган бўлиб, ўтказилган кимошди савдоларида фақат 2-3 тадан жисмоний ва юридик шахслар иштирок этган.

Туман (шаҳар) маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмалари аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларини тегишли тартибда гувоҳномалар билан таъминламаган. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда 2204 та маиший хизмат кўрсатиш корхона ва шаҳобчаси фаолият кўрсатаётган бўлса-да, вилоят уюшмаси томонидан уларнинг 431 тасига гувоҳнома берилган, холос.

Баъзи туман (шаҳар) аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмалари томонидан тадбиркорлик субъектларини аъзоликка қабул қилиш тўғрисида тузилган шартномалар шартларини бажармаслик ҳолатлари аниқланди. Жумладан, **Конимех тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмаси** томонидан тикув цехи, пойафзал-таъмирлаш устахонаси, камер ямаш устахонаси билан шартнома тузилган бўлишига қарамасдан туман маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси томонидан ушбу тадбиркорларга бирон-бир хизмат кўрсатилмаган.

Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кредит беришда амалдаги тартибни бузиш ҳолатлари мавжуд, яъни айрим тижорат банклари томонидан тадбиркорларга кредитлар беришда меъёрий ҳужжатларга зид равишда ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган. Масалан, АТ «Тадбиркорбанк»нинг вилоят бошқармаси томонидан якка тартибдаги тадбиркор М.Ҳасанова 1,5 миллион сўм кредит ажратиш учун яшаш жойидан маълумотнома, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзолик гувоҳномаси, уй-жойни гаровга қўйиш тўғрисида турмуш ўртоғининг розилик хати, хўжалик ҳисобидаги техник паспорти ва Кармана шаҳар ҳокимининг фуқароларнинг ўз ҳовли-жойларида қўшимча иморат қуриш учун рухсат бериш тўғрисидаги қарори ортиқча равишда талаб қилинган.

Тадбиркорлардан шу зайлда заурат бўлмаса ҳам ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш ҳолатлари **ДАН «Заминбанк»**нинг вилоят бўлими, **АТ «Тадбиркорбанк»**нинг **Қизилтепа туман бўлими**, **АТ «Пахтабанк»**нинг **Янгиработ, Кармана бўлим**лари фаолиятида ҳам такрорланган.

Баъзи тижорат банклари томонидан кредит ҳужжатларини расмийлаштиришда меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилинмаган. Масалан, **АТ «Тадбиркорбанк»**нинг вилоят бошқармасига тадбиркор М.Идиева (2001 йил 22 март) 1 млн. сўм қисқа муддатли кредит сўраб, ариза билан мурожаат этган. Шу кунинг ўзидаёқ банк кредит комиссиясининг қарори қабул қилинган, кредит шартномаси ҳам имзоланган. Бироқ кредит таъминоти сифатида тақдим қилинган ипотека шартномасида «2000 йил 29 августдаги 1-кредит шартномасига асосан» деб расмийлаштирилган, яъни тадбиркор банк муассасасига ариза билан мурожаат қилмасидан 7 ой илгари кредит шартномаси тузилган. Шунингдек, «Орзугул-2000» хусусий фирмасига (2001 йилнинг 25 мартида) 4.6 млн. сўм, якка тартибдаги тадбиркорлар Б.Мансуровга (28.02.2001 й) 2.163.247 сўм, Г.Орифжоновага 2.400.000 сўм ва М.Ҳасановага 1,5 млн. сўм кредит ажратишда ҳам ҳужжатлар юқоридаги каби банкка ариза берилмасдан ва кредит комиссиясида кўриб чиқилмасдан олдин кредит шартномаси тузилган.

АТ «Ғаллабанк», «Саноатқурилишбанк», «Асакабанк»нинг вилоят бўлимларида, **АТ «Пахтабанк»нинг Қизилтепа, Кармана, Конимех бўлимлари**да, **АТ «Тадбиркорбанк»нинг Қизилтепа бўлими**да кредитларни расмийлаштириш жараёнида қонунбузарлик ҳолатлари содир этилган.

Баъзи банклар томонидан бюджетдан ташқари жамғармалардан кредит ажратишда меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги аниқланди. Чунончи, фаолияти ўрганиб чиқилган банклар томонидан бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан кредит сўраб мурожаат қилган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳужжатлари расмийлаштирилиб, кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг амалдаги тартибга зид равишда ҳужжатлар тегишли фондларга юборилган. Бунинг оқибатида кредит сўраб мурожаат қилган тадбиркорлар бир неча ойлаб банк билан фонд ўртасида сарсон-саргардон бўлаяпти.

АТ «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси томонидан бюджетдан ташқари фондлардан имтиёзли кредит ажратиш учун тайёрланган 82 та лойиҳа молиялаштирилмаган. Банк эса бу ҳолатда «Фондларнинг маблағи йўқ» деб ариза кредит билан таъминламаган. АТ «Пахтабанк»нинг Янгиработ бўлими томонидан 51 та кредит лойиҳаси молиялаштирилмай, туриб қолган. Мазкур банкнинг Нурота бўлими томонидан (бюджетдан ташқари фондлардан) 61 та кредит лойиҳаси молиялаштирилмаган.

Бундан ташқари вилоят тадбиркорларига бюджетдан ташқари жамғармалардан кредит ажратишда (асосан бандлик жамғармасидан) туман (шаҳар) ҳокимликларининг аралашувига йўл қўйилган. Жумладан, Навоий шаҳар ҳокимлигида «Хўжа» савдо фирмаси ва якка тартибдаги тадбиркор Н.Худойқуловаларнинг кредит ажратиш учун тайёрланган ҳужжатлари (2001 йил 8 февралда) кўриб чиқилиб, бандлик фонди маблағидан имтиёзли кредит ажратиш тавсия этилган. Худди шунга ўхшаш ҳолатлар Конимех, Хатирчи ва Навоий туманлари ҳокимликларида ҳам содир этилган.

Биз чинакам ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бораяпмиз. Бундай ззгу мақсадни амалга ошириш учун ҳар куни ва ҳар қандай вазиятда қонунларга амал қилган ҳолда ишлашимиз лозим. Айни қонунлар ижтимоий муносабатларимизни тартибга солиш ва ривожлантиришнинг асосий мезони бўлиб қолмоғи керак.

Ҳусан ИБРОҲИМОВ

ХЎЖАКЎРСИНГА ИШЛАМАНГ!!!

Агар ишга шундай муносабатда бўлсангиз, вақтингизни ҳам, ҳаққингизни ҳам бой берасиз!

Халқ орасида шундай гап бор. Бирор нарсани номига, қўл учида бажарадиган бўлсанг, кексалар «хўжакўрсинга қилма», деб қойийдилар. Хўжакўрсинга қилинган ишнинг эса албатта, эрта бир кун чатоғи чиқади. Баъзан билиб-билмасдан, ҳуқуқий саводсизлик билан тузилаётган шартномалар ҳам назаримизда хўжакўрсинга қилинаётган ишга ўхшайди.

Келинг, аниқ мисолларга мурожаат қилайлик.

Вилоятда 2001 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича 24285 та ички хўжалик шартномалари тузилган. Шу пайтга адлия ходимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларда 2355202664 сўмлик 3460 та ички шартномалар ўрганилиб, жорий йилнинг 1-чорагида 142474560 сўмлик 253 та ички хўжалик шартномаларининг нотўғри тузилганлиги аниқланди.

Мисол учун Музробот туманидаги А.Икромов номли ширкат хўжалигида 2001 йил ҳосили учун 1231 гектар ер майдони 262 та оилавий пудратчиларга далолатномалар асосида тақсимлаб берилган. Оилавий пудратчилар билан хўжалик ўртасида 7641 тонна тахминий қиймати 166572000 сўмлик бошоқли дон ва пахта хом ашёси етиштириш юзасидан пудрат шартномалари тузилган. Ушбу шартномаларнинг қонунийлигини ўрганиб чиқиш жараёнида уларнинг намунавий шакл асосида тузилмаганлиги, шунингдек, айрим пудрат шартномаларида етказиб бериладиган маҳсулотнинг миқдори, ялпи маҳсулот қиймати, иш ҳақи фонди, шундан аванс сифатида тўланадиган ҳақ оила пудратчисининг меҳнатга лаёқатли кишилари тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг имзоси мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Тузилган барча пудрат шартномаларида "бажариладиган ишга оид талабномани олдиндан, 10 кундан кечиктирмасдан ёзма равишда буютмачига топшириш ҳам "пудратчининг мажбурияти сифатида белгиланган. Шунинг учун А.Икромов номли жамоа хўжалиги билан оила пудратчилари ўртасида тузилган тахминий баҳоси 166572000 сўмлик 262 та оила пудрати шартномалари қайтадан тузилди.

Жорий йилнинг 5 ойи давомида аниқланган 1424774560 сўмлик 253 та нотўғри тузилган шартномалардан 175 таси адлия ходимлари иштирокида қайтадан имзоланди. Шартномавий муносабатларда аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларни қўллаш борасида 60 та тақдимнома киритилди.

Ушбу тақдимномалар тегишли хўжалик ва корхоналарда кўриб чиқилиб, 33 нафар мансабдор шахсга интизомий жазолар қўлланилиб, айримлари ўз вазифасидан озод қилинди. Жумладан, Ангор тумани Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси ва бош иқтисодчиси ўз вазифаларидан озод қилиниб, тафтиш комиссияси раиси ҳамда ҳисобчи йўл қўйилган хатолар учун "хайфсан" олдилар. 131-механизациялашган кўчма жамланма ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси ва ишлаб чиқариш бўлими етакчи маслаҳатчисига ҳайфсан эълон қилинган бўлса, Жарқўрғон туманидаги "Дўстлик " ғишт хиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси ўз вазифасидан озод қилинди.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими томонидан 2001 йилнинг 1-чорагида вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан 2001 йил 30 январда тақдим қилинган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш юзасидан оила пудрати шартномаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, намунавий шакл жойларда фойдаланиш учун тавсия қилинди. Шунингдек, деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятини ташкилий таъминлаш, уларни ҳуқуқий ҳимоялаш, шунингдек шартнома муносабатларини тартибга келтириш мақсадида туман марказларида хўжалик ҳисобидаги ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш марказлари ташкил этилмоқда.

Вилоятдаги ҳар бир туманда биттадан намунавий ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларда тегишли ҳуқуқий адабиётлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, намунавий шартномалар нусхалари қўйилган махсус хоналар жиҳозланди.

Бундан ташқари жорий йилнинг март ойида ҳар бир туманда шартномавий муносабатларга оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, уларни тартибга келтириш, ички хўжалик шартномаларининг қонуний ва тўғри тузилиши ҳамда лозим даражада бажарилишини таъминлаш, шунингдек, фермер хўжаликлари билан тайёрлов корхоналари ўртасидаги шартнома муносабатлари ахволи, бу борадаги камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган вазифалар хусусида хўжалик раҳбарлари, фермер ва оила пудратчилари, ижарачилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар раҳбарлари, фермер хўжаликлари уюшмаси, солиқ, банк, прокуратура ҳамда ҳокимият идоралари вакиллари иштирокида семинар-мунозаралар ўтказилди.

Жойларда тузилган шартномаларнинг ижро этилиши, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши холати ўрганилганда, Музработ туманидаги 277 та фермер хўжаликларига 2000 йилда етказиб берилган 81880000 сўмлик пахта хом-ашёсининг 80 фоизилик тўловлар кечиктирилганлиги ҳолати аниқланиб, тумандаги 44 та фермер хўжаликлари ва Музработ туманидаги Касб-ҳунар лицейи ишлаб чиқариш хўжалиги манфаатларини кўзлаб пахта хом-ашёсининг 80 фоизи ҳисобидан тўловлар кечиктирилганлиги сабабли жарима, пеня ҳамда етказилган маънавий зарарларни ундириш тўғрисидаги хўжалик судига (9493543 сўмлик) 45 та даъво аризаси киритилди.

Ангор туманидаги "Пилла" акциядорлик жамияти 2000 йилда қабул қилинган пилла хом-ашёси учун 11 та фермер хўжалиги билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилмаганлиги оқибатида 213679 сўмлик муддати ўтган кредиторлик қарзлари пайдо бўлган. Ушбу қарзларни жарима ва пенялари билан бирга ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига 352562 сўмлик 11 та даъво аризалари киритилди ва хўжалик суди ишларни кўриб, даъволарни тўлиқ қаноатлантирди.

Шу кунга қадар оила пудратчилари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб, судларга жами 290 та (22240004 сўмлик) даъво аризалари киритилган бўлса, бугунга қадар уларнинг 3489928 сўмини ундириш тўғрисида судларнинг ҳал қилув қарорлари қабул қилинди.

Вилоятимиз адлия ходимлари фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу ўринда, кўнгилда ҳақли бир савол туғилади: хўш, фуқаролар, хусусан, раҳбарлар қачон шартнома муносабатлари, уларнинг тўғри тузилиши ва расмийлаштирилишида зарур бўлган ҳуқуқий билим, малакага эга бўладилар? Бу уларнинг ўзларига керак-ку, ахир. Гапнинг индаллоси, хўжакўрсинга ишлашга чек қўйилик, биродарлар. Шундагина ишимиз олдинга кетади.

Чориёр АЛЛАЁРОВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Оталар дейдики:

Нима десам экан, деб андиша қилишлик, нега айтдим, деб пушаймон бўлишдан афзал.

* * *

Икки хил одам бефойда ҳаракату беҳуда ранж чеккандур: бири йиғиб-йиғиб ўзи емаган, иккинчиси ўрганиб амал қилмаган.

* * *

Агар қорин ғами бўлмаса эди, ҳеч бир парранда тузоққа илинмас, балки овчи ҳам тузоқ қўймас эди.



Ўзбекистон менинг дилбар ватаним!

Шартлащдингми, бажар!

ОЛИНГ ДЕСА "БАЙ-БАЙ", БЕРИНГ ДЕСА, "ҲАЙ-ҲАЙ"МИ?

Пасдарғом туманидаги Гулба қишлоғида яшовчи фуқаро Рустам Облоқулов 1999-2000 йилларда "Зарафшон" ширкат хўжалиги билан 3 гектар майдонда оила пудрати шартномаси тузиб, ғалла етиштирган. Пудратчи деҳқон бола-чақа боқиш, ҳалол меҳнати орқасидан рўзғорини тебратиш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилган. Ҳар гектар майдон ҳосилдорлиги 62-63 центнердан тўғри келган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлигининг 2000 йил 3 июндаги баённомасида ғаллачиликда режадан ортиқча ишлаб чиқилган маҳсулотни тўлиқ оила пудратчиларга бериш ёки уларга қийматини бозор нархида тўлаб қабул қилиб олиш тартиби белгилаб қўйилган.Қарангки, ширкат хўжалиги раҳбарлари ҳосилни қабул қилиб олишда қувонганларидан оғизларининг таноби қочибди, лекин иш ҳақини беришга келганда, алдагани бола яхши нақлига амал қилишибди. Рустам Облоқуловнинг шартномада кўзда тутилганидан ортиқча топширган маҳсулоти учун 1999 йилда 550 килограмм, 2000 йилда эса 350 килограмм буғдой беришибди, холос. Пудратчининг хўжаликда 9 минг 775 килограмм буғдой ҳақи бор.

Амалдаги фуқаролик кодексининг 324-моддасида қарздор кредиторнинг талабларини қонуний қаноатлантирмаганда тўланмасдан келинган қарз даъво кўзғатиш кунида амалда бўлган нарх ҳисобида ундирилиши керак. Шунга кўра, Жума деҳқон бозоридан олинган маълумотномага асосан 9 минг 775 килограмм буғдойнинг бозор баҳоси ҳар бир килограми 115 сўмдан – 1 миллион 124 минг 125 сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, пудратчи деҳқон шартнома шартларини бажариб, икки йилдан зиёдроқ топширган маҳсулоти ҳақини сўраб хўжалик бошқаруви раҳбарлари эшигида сарсон бўлган. Натижа чиқмагач, юқори идораларга кўп маротаба қатнашга мажбур бўлган, азият чекиб, қадр-қимматига путур етган. Бир сўз билан айтганда, маънавий зарар кўрган.

Яқинда Каттақўрғон туманлараро фуқаролик судида бу иш бўйича адолатли ҳал қилув қарори қабул қилинди. Пудратчи Рустам Облоқуловга ширкат хўжалиги ҳисобидан 1 миллион 124 минг 125 сўм шартномада белгиланганидан ортиқча топширган маҳсулот пули ундириб берилди. Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдуқосим Ҳошимов, бош ҳисобчи Чори Бобоёров, бош иқтисодчи Аброр Абдуллаевларнинг ҳамёнидан пудратчига етказилган 100 минг сўм маънавий зарар қопланди.

Ана шундай: шартлашишни ҳам чидаганга чиқарган. Уни писанд этмаслик субутсизлик билан тенг.

Пасдарғом тумани "Зарафшон" ширкат хўжалиги раҳбарларига ўхшаб олишда "бай-бай"лайдиган, беришга келганда эса "ҳай-ҳай"лаб қочишга уринадиган шахсларга қонун ҳеч қачон йўл бермайди.

Ориф ЭЛМУРОДОВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси

ЎЗБОШИМЧАЛИК ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАРКИН?

Таҳририятимизга Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Охунбобоев ширкат хўжалигидаги "Ниҳол" фермер хўжалиги бошлиғи У.Тошева, "Ҳақиқат йўли" ширкат хўжалигидаги "Гулистон" фермер хўжалиги бошлиғи У.Жуманов, "Усмон ота" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Дадажонов, "Ҳақиқат йўли" ширкат хўжалигида яшовчи фуқаролар Ў.Маҳкамов, Б.Аҳмедовлар ҳамда "Қорасув" ширкат хўжалигининг бир гуруҳ аъзолари шикоят билан мурожаат қилишганди.

Ушбу шикоят хатларида кўтарилган муаммоларни жойларга бориб ўрганиш шуни кўрсатдики, одамларнинг норозилигига сабаб бўлаётган омил ҳокимлик томонидан қабул қилинган баъзи ҳужжатларнинг амалдаги қонунларга зидлиги билан боғлиқ экан. Жумладан, 1998 йилнинг 31 мартида туман ҳокимининг 178-қарорига биноан "Ниҳол" фермер хўжалиги Низоми давлат рўйхатидан ўтказилган, туман давлат мулкини хусусийлаштириш бўлими томонидан фермер хўжалигига ордер, вилоят давлат статистика департаменти томонидан гувоҳнома берилган.

Мазкур фермер хўжалигига Охунбобев деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг умумий мажлиси қарори ва хулосасига асосан (1998 йил 23 январ) 122,4 гектар ер ажратилган ҳамда ушбу қарор Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини (1998 йил 28 март) қарори билан тасдиқланган. Бироқ туман ҳокимининг (Қ.Деҳқонбоев) 1999 йил 2 апрелдаги 181-қарорига асосан туман ҳокимининг "Ниҳол" фермер хўжалиги тўғрисидаги 178-қарори бекор қилинган. Ҳолбуки,Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-, 54-, 55-моддаларига ҳамда **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги қонуннинг 33-моддасига асосан фермер хўжалиги аъзолари ёки суднинг қарорига биноан тугатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Туман ҳокимининг бу қароридан норози бўлган У.Тошева туман прокуратурасига мурожаат этган ва туман прокуроридан туман ҳокимининг мазкур қарори ноқонуний эканлиги тўғрисида тақдимнома киритилганлиги бўйича жавоб хати олган.

Туман ҳокимининг юқоридаги қарорида "Ниҳол" фермер хўжалиги раиси туман аттестация комиссиясидан ўтмаганлиги, фермер хўжалиги пахта ва ғалла сотиш контрактация шартномаси тузилмаганлиги рўкач қилиб кўрсатилган. Лекин афсуски, "Ниҳол" фермер хўжалиги фаолиятига доир ҳужжатлар туман аттестация комиссияси томонидан кўриб чиқилмаган. Тўғрисини айтганда, 1998-2001 йиллар мобайнида туман комиссияси амалда ишламаган, номигагина "фаолият" кўрсатган. "Ниҳол" фермер хўжалигига ер бериш масаласи туман комиссиясида эмас, балки маҳалла масжидида муҳокама қилинганини қандай изоҳлаш мумкин?!.

Бундай усул "Гулистон" фермер хўжалигига нисбатан ҳам "қўлланилган". Гап шундаки, унинг раиси У.Жуманов туман ҳокимининг 2000 йил 27 ноябрдаги 667-қарорига мувофиқ фермер хўжаликлари раҳбарлари аттестациядан ўтказилиши белгиланган. 2001 йилнинг 29 январида "Гулистон" фермер хўжалиги раҳбари У.Жуманов аттестациядан ўтказилмаган.

Аниқроғи, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Турғунов туман аттестация комиссияси раиси А.Убайдуллаевлар, У.Жумановдан фермер хўжалигини ёпиш ва тасарруфидаги ерни **"Ҳақиқат йўли"** ОТХЖга топшириши ҳақида мажбуран ариза ёздириб олган. Бундан қаттиқ ўксиган фермер туман деҳқон-фермер хўжалиги вакиллиги раҳбари Т.Одиловдан кўмак сўраган. Бахтга қарши Т.Одилов ҳам ёрдам бериш ўрнига **"Ҳақиқат йўли"** ОТХЖ раиси А.Каримов, бош ҳосилоти А.Умрзоқова, фуқаролар йиғини раиси Н.Тўлагановларга "Гулистон" фермер хўжалиги ерларини қайтариб олинглар, деб кўрсатма беради. Улар эса бунга "йўқ, ерни қайтариб олмаймиз", деб жавоб қайтаришади...

"Усмон ота "маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бундан-да ғаройиб ҳангомалар содир бўлган. Алқисса, **"Ўзбекистон"** жамоа хўжалиги 115 гектар ерни(1997 йилда) Ҳакима Зиёвуддиновага фермер хўжалиги ташкил этиш учун қонунга зид равишда бериб юборади. Ҳ.Зиёвуддинованинг мансаб ҳавосидан роса "тўйингани", қонунларни писанд этмай қўйганини шундан ҳам билса бўладики, у фермер хўжалиги учун ажратилган ерни қариндош-уруғларига фойдаланиш учун инъом этади.

Хўш, раҳбар кишининг бундай хатти-ҳаракатини қандай тушуниш мумкин? Қайси қонунда унга шундай ваколат берилган?! Эҳтимол Ҳ.Зиёвуддинованинг ўзи буни тушунтириб берар?!

Бундай дейишимиз бежиз эмас. Чунки Ҳ.Зиёвуддинова бир пайтнинг ўзида А.Навоий ширкат хўжалиги раиси, фермер хўжалигининг раиси ҳамда "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида фермерларнинг вакили ҳисобланади. А.Навоий ширкат хўжалиги ҳудудида 2000 йилда туман ҳокими қарори билан «Жўрабек ҳожи» фермер хўжлигига ер ажратиш кўрсатилган, лекин ер берилмаган.

Айни шундай ҳолат 2001 йил январ ойида А.Навоий ширкат хўжалигида содир этилган. Яъни, "Ҳасан", "Мирҳалил ота", "Само", "Нилуфар" фермер хўжаликларига ўзбошимчалик билан қонунга зид тарзда туман ҳокими Қ.Деҳқонбоев ишдан кетган бўлса-да, ҳоким қарори билан ер ажратилган.

"Ҳақиқат йўли" ОТХЖ собиқ раиси Т.Усмонов "Усмон ота" фермер хўжалигини ташкил этиб, 256 гектар ерни ва жамиятнинг энг яхши 8 та техникасини умумий мажлисда кўриб чиқмасдан ўзбошимчалик билан укаларига бериб юборган. 2001 йил январ ойида ҳам «Ғулом ота» фермер хўжалигига умумий мажлисда кўрмасдан, ер ажратиб берилган. Шу хўжалик ҳудудида яшовчи У.Маҳкамов, Б.Аҳмедовларга эса ер берилмаган.

"Қорасув" ширкат хўжалигида жамоанинг умумий йиғилишда кўрилмаган бўлса-да, ушбу жамоа хўжалигида яшамаган ва ишламаган фуқароларга ("Ботир ҳожи, "Илёсбек", "Дунган", "Чорвадор" фермер хўжаликлари ташкил қилиниб), ер ажратилган.

Туман ҳокимининг қарори билан аттестация комиссияси ташкил этилиб, 2000 йилнинг 15-29 декабр кунлари фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган 62 та фермер хўжаликлари аттестацияга чақирилади, лекин фермерлар юридик ҳужжат ва бизнес режалари бўлмагани учун қайта аттестациядан ўтказиладиган бўлади.

Туманнинг собиқ ҳокими (К.Деҳқонбоев) ва туман аттестация комиссияси собиқ раиси (У.Ҳайдаров)нинг топшириғи билан 2000 йилнинг 3 февралида юридик хизмат томонидан «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудида "Суюнбой ота", "Мирзавали ота", "Дархон", "Тўлаган ота", "Ойбек", "Дилшод" фермер хўжаликларининг юридик ҳужжатлари тайёрлаб берилди. Юқорида номлари келтирилган фермер хўжаликларига жамоа хўжалиги умумий йиғилиши қарори ва фуқаролар йиғини қарори билан ер ажратиб берилган. Аммо ҳоким ўз лавозимидан четлаштирилгач, ушбу фермер хўжаликлари раислари туман ҳокимининг ўринбосари А.Убайдуллаев ва Н.Турғуновлар томонидан аттестацияга киритилмади. Яна ноҳақликка йўл қўйилади. Улар ўзларига тегишли бўлган кишиларга ер ажратиб беришди.

Туман деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллигида 2001 йилгача 70, туман ер ресурслари бўлимида 178, туман давлат солиқ инспекциясида 181 та фермер хўжалиги рўйхатдан ўтганлиги қайд қилинган, лекин улардан қай бири тўғри эканлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Туманда ҳалигача 2001 йил ҳосили учун фермерларга пахта, ғалла контрактация шартномалари тузиб берилмаган.

Туман аттестация комиссиясига фуқаролардан, фермер хўжаликлари ҳамда фуқаролар йиғинларидан келиб тушган ариза шикоятларни, фермер хўжаликлари юридик ҳужжатларини ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлди: туманда фермер хўжаликларини рўйхатдан ўтказиш ва уларга ер бериш тартиби амалдаги қонунларга зид равишда амалга оширилган.

Туман ҳокимининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган 368-қарори, 1999 йил 12 декабр 693-қарори талаблари бажарилмаган. 1998 йилгача мавжуд фермер хўжаликлари қайта рўйхатдан ўтказиш учун комиссия раиси А.Убайдуллаев аттестация комиссиясининг хулосасини туман ҳокимига тақдим этмаган, ҳанузгача фермер хўжаликларига берилган ер акти бекор қилинмаган.

Туман ҳокимлиги 2001 йил 25 апрелда амалдаги қонунларга зид бўлган қарор ва ҳужжатлар қабул қилган. Бир гуруҳ шахсларнинг манфаатлари ҳимоя этилиб, ерлар талон-тарож қилинганини қандай изоҳлаш мумкин?.. Маҳаллий раҳбарлар томонидан содир этилаётган ўзбошимчаликлар, қонунлар ижросида истаганча «тартиб» ўрнатиш қачонгача давом этаркин?!

Ушбу мавзуга яна қайтиш ниятимиз бор.

Собиржон ЭРГАШЕВ
"Инсон ва қонун" махсус мухбири

Дунё тараққиётининг қизиқ тажрибалари

ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ «ЯШИРИН» ҚЎМИТАСИ

Ўтган асрнинг 90-йилларида дунё олимлари орасида шухрат қозонган ва юксак илмий аҳамият касб этган социологик тадқиқот — Перу озодлик ва демократия институти президенти Эрнандо де Сото қаламига мансуб «Ўзгача йўл. Учинчи дунёдаги кўринмас инқилоб» номли китоби асосида тайёрланган учинчи лавҳани эътиборингизга ҳавола этяяпмиз.

Мамлакат ҳудудида «киракашлик» қилиб кун ўтказувчи шахсий транспорт ҳайдовчилари ўзларининг норасмий идоралари — қўмиталарига эга бўлишди. Бу «идора»нинг тадбиркорлик фаолияти ҳам ўзига хос бўлиб, у қуйидаги мураккаб вазифаларни бажаришга йўналтирилган: авваламбор, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини, муомала маданиятини, ҳайдовчиларнинг ташқи кўринишини назорат қилади, бозор қонъюнктурасига мос келадиган «хизмат ҳақини» белгилайди, аҳоли гавжум бекатларнинг ободончилиги, маиший миқдорини аниқлайди. Қизиғи шундаки, бу ишларнинг барчаси маҳаллий ҳокимият ва давлат органлари билан келишмасдан, яъни маъмодаги «ўзбошимчалик» билан амалга оширилади.

Бундай қўмиталарни ҳазилга йўйиб «Қароқчи қўмита» деб ҳам аташади. Сабаби, улар давлат томонидан у ёки бу йўналиш (маршрут) учун белгиланган йўлкира ҳақини мустақил тарзда ўзгартираверадилар. Талабга қараб таклиф қилиш бу қўмиталарнинг бош ютуғи ҳисобланади. Бу таклифлар асосан йўловчи манфаатидан келиб чиқиб, амалга оширилгани учун шахсий транспорт эгаларининг кўрсатаётган хизмати давлат томонидан назорат қилинмайди.

«Қароқчи қўмита»лар яна қуйидаги масалаларни ҳал этишни ўз зиммасига олган: автомобиллар ҳаракат интервалини куннинг соатларига қараб бошқариб туриш; ҳар бир кўчанинг бошида, ҳар муюлиш ва барча бекатларда автомобилларнинг доимо хизматга шай туришини таъминлаш. Муҳими шундаки, куннинг қайси пайти бўлиши, об-ҳавонинг қандай келиши бу хизмат турига мутлақо таъсир кўрсатмайди: аниқроқ айтганда, бу хизмат ходимлари ҳар қандай вазиятда ҳам ўз бурчларини сидқидилдан бажаришга шай туришади. Ана шу жараённи назорат қилувчи «диспетчерлар»ни қўмита ўзининг умумий йиғилишида тасдиқлайди. Ўз навбатида, белгиланган тартиб-қоидаларни бузган ҳайдовчиларни фақаттина «диспетчерлар» жазолаш ҳуқуқига эгадир. Жарима эса катта эмас. Кузатув жараёнида бор-йўғи 50 цент миқдорида жарима тўлаётган ҳолатларни кўрдик. Сабабини суриштирганда, ҳайдовчи белгиланган жадвалдан бироз чиқиб кетган экан.

Қўмита раҳбарияти ўта муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этишда бошқош бўлар экан: ўзининг шахсий автомобили бўлмаган ҳайдовчилар билан машинаси бўлган ҳайдовчиларнинг алмашиб навбат билан ишлашларини таъминлаш (соф даромаддан машина эгасига 25 фоиз ҳақ ундириб бериш шарти билан); шахсий автобусларда йўл ҳақини териб берувчи паттачиларнинг иши тартиб-қоидасини белгилаш. Қизиғи шундаки, айнан бундай чиптачиларни ҳайдовчиларнинг ўзлари танлашади. Чунки чиптачиларда гап кўп. Умуман, ишни ташкил қилиш, машинани йўловчи билан тўлдириш, ҳайдовчининг тушумга «хиёнат» қилмаслигини назорат қилиш керак бўлади. Айни пайтда қў

Яша ва ёдингда тут

Д. АҲМЕДОВ,
ТДЮИ проректори

“... УМРЛАР БЎЛАДИКИ, МАНГУЛИККА ТИРИКДИР”

Эл-юрт, халқ озодлиги учун бутун вужудини бағишлаган ва ҳатто бу йўлда жонини ҳам тиккан фидойи кишилар истиқлол шарофати ила эзгуз топмоқда. Бу эзгу ва савоб иш Президентимизнинг “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармонида ҳам яна бир бор ўзининг теран ифодасини топди. Зеро, миллат келажаги-ю, юрт мустақиллиги учун курашган улуғ кишиларнинг тарих олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмайди. Ана шундай миллатпарвар кишилардан бири — миллий уйғониш ҳаракатининг фаол аъзоси Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевдир. У XX асрнинг бошларидаги биринчи ўзбек ҳуқуқшуноси, адвокат ҳамда иқтидорли журналист сифатида ҳаётда ўзидан сезиларли из қолдирган.

У ҳам кўпчилик фидоий ўғлонлар сингари 1937 йил “халқ душмани” деган бўҳтон-айб билан қатлиом қилинган. Ҳолбуки, унинг номи узоқ вақтлар мобайнида Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Фитратлар номи билан баравар тилга олиниб, эл-юрт ўртасида машҳур бўлиб келган.

Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев — 1886 йили Тошкентда “Қорёғди” маҳалласида боғбон Асадулла маҳсум оиласида туғилди. Отаси Асадулла маҳсум дунёвий илмлардан бохабар, маърифатли киши бўлиб, унинг уйида тез-тез меҳмонлар тўпланишиб навоийхон, бедилхонлик кечалари ўтказардилар.

Убайдуллахўжа рус тузем мактабида билим олади. Мактабни битириб, келиштирувчи судья идорасида тилмоч сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди.

1905 йили эса Саратов юридик олий ўқув юртига қабул қилинади.

Убайдуллахўжа Саратовда ўқиб юрган кезларида буюк рус адиби Лев Толстойга хат ёзиб, унинг **“Ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик”** таълимотига нисбатан ўз мулоҳазаларини билдиради. Убайдуллахўжа Толстойнинг бадиий асарларидан олган таассуротлари, унинг нуқсон ва афзалликлари ҳақида эмас, балки унинг дунёқараши, **“Ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик”** ғояси билан қизиқади.

Албатта, мустамлака зулмидан азоб чекаётган халқнинг фарзанди сифатида Убайдуллахўжанинг хат ёзишдан кўзлаган мақсади бор эди. Хатда у буюк ёзувчига, жумладан, шундай дейди: Ҳурматли Лев Николаевич! Сиз илгари сурган ғоя бўйича, агар бир инсонга ёмонлик қилинса, унга ёмонлик билан жавоб қайтарилса, бу нодонликдир дегансиз, бу фикрга қўшиламан, аммо минглаб инсонлар ҳаётига ёвузлик қилинса, (у бу гапи билан чор ҳукумати Туркистон халқларини ўз эркига қўймай, хоҳлаганча зза берсин, зулм ўтказиб, мустамлака қилиб, бойликларини талай берсин, деган фикрни билдирмоқчи бўлган) “Ёвузликка ёвузлик қилмаслик керак” деб индамай тақдирга тан бериб қараб ўтираберсин, деган хулоса чиқмайдими?! Ушбу мазмундаги хатдан сўнг чор ҳукумати уни таъқиб эта бошлайди.

Бир куни Саратовда кўчада чор амалдорларидан бири извощда кетаётиб, пиёдаларга лой сачратади. Фуқаролардан бири “бу қандай маданиятсизлик” дейди ва шу сўзи учун амалдор уни судга топширади ва у айбдор деб топилади. Адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев жанжалнинг келиб чиқиш сабаби нимада эканини, ипак-чиқирларигача мантиқан исботлайди. У “бир аниқ одамни сен “чўчқасан” демай, одамларни менсимай оёқости қилишнинг ўзи, бу яхши эмас. деган маънода айтилган. Мен ўйлайманки, бу одамни жазодан халос этиш керак...” дейди.

Убайдуллахўжанинг бундай гапларини эшитган суд ҳайъати ҳангу манг бўлиб қолади. Айбланувчи оқланади.

Бу воқеадан кейин Убайдуллахўжа рус зиёлиларидан бирининг ишига адвокатлик қилади. Ватан ва халқ манфаати учун курашган кишини ҳеч маҳал жиноятчилар қаторига қўшиб бўлмайди, — дейди у судда. Шундан кейин чор «охранка»си уни йўқотиш йўлига ўтади ва қамайди.

1913 йилда у Саратов университетини тамомлаб, олий юридик маълумотга эга бўлди. Ватанига қайтгач, миллий уйғониш ҳаракатининг фаол иштирокчисига айланди. Хусусий адвокатлик қилиш билан бирга, 1914 йилдан “Садойи Туркистон” газетасини чиқара бошлади.

Газета моҳият-эътибори билан миллий уйғониш ғоясини илгари суради. Газета атрофига Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Тўлаган Хўжамиёров, Саидносир Миржалилов каби ўз даврининг ўнлаб илғор зиёлилари йиғилади.

“Садойи Туркистон” миллий матбуот ва янги усулдаги мактаб яратишга ҳисса қўшишни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб билди. Шу боис газетанинг ҳар сонида муайян тарзда бу масалаларга дахлдор мақолалар муттасил бериб борилди.

Илғор ҳаракатлари, эркин фикри туфайли Убайдуллахўжа 1914 йил апрел ойида чор ҳукумати томонидан қамоққа олинади. Қамоқдан чиққандан кейин ҳам эзгу ғоялар билан яшайди.

1916 йилда Туркистон худудида бўлиб ўтган халқ қўзғолони ва унда иштирок этган кишиларнинг шафқатсиз равишда жазоланиши Убайдуллахўжага қаттиқ таъсир қилди. У Петербургга бориб, Давлат думаси аъзоларини Туркистондаги ҳақиқий аҳвол билан таништиради.

1917 йил чор Россиясидаги қонли давлат тўнтаришидан кейин Қўқон шаҳрида Туркистон мухторияти эълон қилинади. Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев бу ҳаракатда фаол иштирок этади.

Туркистон мухторияти шафқатсиз равишда қонга ботирилгач, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ҳибсга олиниб, Москванинг Бутур турмасига ташланади.

1930 йили эса уни энг оғир бўҳтонлар — «ватан хоини, чет эл разведкаси жосуси» сифатида яна қамайдилар. Кейин ўлим жазосига ҳукм этилади. Лекин негадир 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирилади.

1917-1920 йилларо орасида Туркистон ўз бошидан кечирган фожеа ва адолатсизлик, алдов ва ёлғон, қирғин ва қамоқ, қатағону офатларни кўнглидан ўтказаркан, советларнинг бу мудҳиш хиёнатларидан, қамоқ азобларида эзилиб, жисмонан заифлашиб қолган бир ҳолатда, у инглиз ёзувчиси Киплингнинг “Маугли” асарини таржима қилади.

1938 йил эса у ҳеч қандай суд-сўроқсиз отиб ташланди.

Шўро замонида Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевнинг номи бирон марта ҳам тилга олингани йўқ.

Фақат истиқлолнинг эркинлик сиёсати шарофати билан жамиятимизда қарор топган тарихий адолатлардан бири – қатағон даврига ҳаққоний баҳо берилгани, шаҳид кетган минглаб юртдошларимизнинг номлари қайта тикланиб, хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатилгани бўлди.

Бунинг учун аввало, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, барча савоб ишларнинг бошида турган Президентимизга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак кам.





ОШПАЗ ҲАМ «ХАЛҚ ДУШМАНИ» БЎЛГАН

Мустақиллик бизга барча инсоний ҳақ-ҳуқуқларни қайтариб берди. Отам — Одил Очилов ошпазлик қилганига қарамай, 1937 йилда қатағонга учраб, 10 йил қамоқ жазоси билан жазоланган. Отам жиззахлик Ҳайдарбек Абдужабборов деган кишининг «думи» деган бўҳтон айб билан қатағон қилинган. У кишининг бор-йўқ айби Ҳайдарбек ака қатнашган зиёфатда иштирок этгани ва уларга овқат тайёрлаб бергани бўлган. Отам соддадил, сиёсатдан узоқ киши бўлган. 63 ёшида қамоққа олинган. 7 йил қамоқнинг азоб-уқубатларини бошидан кечирган, 70 ёшида азоб-уқубатлар, руҳий қийинчилик оқибатида вафот этган.

Биз 2 ўғил ва 7 қиз, «халқ душмани»нинг болалари сифатида бир умр изтиробда яшадик. 8 нафар ака-ука, опа-сингилларимнинг ана шундай қўрғуликлар оқибатида умри бевақт хазон бўлди. Шундан юрагимда ҳеч ўчмас доғ қолган. Ўйлаб сира ўйимнинг охирига етолмайман: «Наҳотки, овқат тайёрлагани учун ҳам одам гуноҳкор бўлса, қамоққа олиниб, ўлдириб юборилса! Ундан кўра отамнинг бўйнига каттароқ айб қўйишса бўлмасмиди?!»

Шукрки, доруломон кунларга етиб келдик. Президентимиз Ислом Каримов юксак жасорат билан қатағон қурбонлари хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатиб қолмай, уларнинг аҳли оила, зоту зурриёдлари қадрини кўтариб қўйдилар, «қора» бўлган номларини оқладилар. Мамлакатимиз пойтахтида барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ана шундай эҳтиром тимсолидир. Бу муқаддас макон барчамиз бош эгиб, қатағон даврини эслаш, бугунги ҳур замонимизга шукроналар айтиб, зиёрат қиладиган табаррук масканга айланди.

Мастура ШАРИПОВА,
Жиззах шаҳри

Сурхондарё: истиқлол йилларидаги бунёдкорлик

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар

Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир

СОҲИБҚИРОН АРКИ ЎРНИДА ФУҚАРОЛИК СУДИ

Буюк Соҳибқирон Амир Темур даҳосининг шарофати билан Самарқанд ер юзининг сайқалига айланган. Ўзининг бебаҳо асори-атиқалари, нодир меъморчилик ёдгорликлари, илму-маърифати Темурийлар салтанатининг қудратли тимсоли бўлмиш Самарқандни етти иқлимга маълуму машҳур қилган. Муқаддас обидаларо ва бетакрор тарихий мўъжизаларига эга Самарқандда ҳали-ҳамон очилмаган сир-синоатлар бисёр.

Мўъжизалар кутилмаганда рўй беради. Мамлакатимиздаги суд соҳасидаги ислоҳотлар ана шундай ер юзи сайқали бўлмиш Самарқандда узоқ ўтмишдан сирлигича яшириниб ётган яна бир янгиликнинг кашф этилишига сабаб бўлди. Шаҳарнинг Кўксарой майдони ҳудудидаги вилоят архитектура ва капитал қурилиш бошқармалари жойлашган бино фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига берилганди. Бинони қайта таъмирлаш чоғида қурувчилар қадимги асрларга оид квадрат шаклидаги пишиқ ғиштларга дуч келишди.

— Биз археолог ва тарихчиларга мурожаат қилдик, — дейди фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси Абдукамол Раҳмонов. — Бу жой Арки аъло деб юритилган экан. Маълумки, Арки аъло пойтахтнинг подшо ўтирадиган қисми. Бобомиз Амир Темурнинг давлат қутубхонаси, хазинаси ҳам шу ерда бўлган.

Дарвоқе, Кўксарой ва Бўстонсарой ҳам шу ерда жойлашган. Улар тўрт қаватли қурилган бўлиб бу саройларда ҳунармандлик устахоналари, қуроляроғ сақланадиган омборлар жойлашган. Буюк Соҳибқирон ҳарбий қуроляроғларни шу ерда ясаттирган. Хуллас, бинонинг қайта таъмирланиши, қазиш, ободонлаштириш ишлари натижасида йиллар давомида сирлилигича қолган Арки аъло жойи тасдиқланган.

Манбаларда ёзилишча, мазкур тарихий мажмуа XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам бус-бутун бўлган. Аммо, генерал Кауфман бошчилигидаги рус истилочиларининг 1868 йилдаги босқини халқимиз фахри-ғурури бўлмиш боболаримиз меросини топтаган. Генерал ўз қўшинларини атрофи баланд деворлар билан ўралган ана шу Аркда сақланган. Кейинроқ Кауфманнинг буйруғи билан бу тарихий Арк ва саройлар портлатилган. Ўрни текисланиб истилочиларнинг казармалари, госпитали, ўқ-дори омборлари қурилган, Ҳарбий горнизон жойлаштирилган.

Бобомиз Амир Темур “Куч - адолатда” деганлар. Арк ўрнида фуқаролик суди биносининг жойлашувида рамзий маъно борга ўхшайди. Амир Темур фақат адолатни ва ҳақиқатни ёқлаган. Адолатсизлик, ноҳақлик, ғирромликка муросасиз бўлганлар. Бизнинг барпо этилаётган ҳуқуқий-демократик давлатимизда қонунчиликда, унга амал қилинадиган суд ҳокимияти фаолиятида Соҳибқиронинг ана шу шиори йўғрилган. Қонун олдида ҳамма тенг, ҳамма баробар.

Айтганча, бинони қайта таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш ниҳоятда дид билан сифатли ўринлатилди. Бу ерга адолат истаб келувчиларга зарурий қулайликлар яратилди. Тўртта суд мажлиси зали, шинам ва ораста ҳоналар, замонавий ва миллий услубдаги жиҳозлар...

Дунёдаги давлатчилик тарихи, ўткир сўзи, кескир қиличи, адолатлилиги ва маърифатпарварлиги билан шуҳрат қозонган Буюк Соҳибқиронинг сирлигича ётган Арки аълоси қайта кашф этилганидан руҳи шод бўлаётган бўлса, ажаб эмас.

Нўъмон МАҲМУДОВ,
Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси директори.
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Инсон ва қонун” махсус мухбири

Ёлғон гувоҳлик берувчининг оёқлари ердан қўзғалмай туриб, Тангри унга дўзахни раво қилиб қўяди.

Муносабат

«ОҒЗАКИ БУЙРУҚБОЗЛИКДАН ЧАРЧАДИМ...»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мен ана шу даврда ҳисоб-китобни, кирим-чиқимни бинойидай ўрганиб олдим. Битта мотоциклим бор, ҳозир ҳам ўшани минаман, бормаган идорам, кирмаган ташкилотим йўқ. Муаммоларни енгиб ўтишга ҳаракат қиламан. Яхшиям Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар деҳқон-фермер хўжалиги сифатида шаклланишимизга, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишимизга катта ёрдам берди. Ўтган йиллар мобайнида бир нарсани англаб етдим: бировга қарам бўлсанг, қош-қовоғига қараб, оғзаки буйруқларига итоат қилиб, кўрқиб яшасанг, одамга ҳам ўхшамай қоларкансан. Шунинг учун мен мустақил фермерлар уюшмасини ташкил қилишга қарор қилдим. Унга ихтиёрий равишда 43 та фермер хўжаликлари бирикди. Шу кунларда ҳам уюшмамизга аъзо бўлиш истагини билдирган деҳқон-фермерлар сони анчагина. Ўндан зиёд техникамиз бор. Қайси фермерда техника етишмаётган бўлса, ўша жойда зудлик билан ҳамма ёрдамни ташкил этамиз. Ҳамма фермер мустақил, ўз ҳисобчиси бор. Бизда эса умумий битта ҳисобчи бор, барча ҳисоб-китобларни назорат қилиб боради. Мен ҳам раисман. Бошқа раислардан фарқли ўлароқ, мен кетмон ҳам чопавераман, керак бўлса, сувчилар билан ҳафталаб сув тутаман, экин экаман.

Ҳар битта фермер хўжалигига текширишга келган кишиларни қайд қилиш дафтарини ташкил қилиб берганимдан бери текширишга келувчилар сони ҳам кескин камайди. Унгача келаётган текширувчилар жонимизни қийлдоғимизга олиб келган эди. Энди йўқ, қаёқдан келгансиз, нимани текширасиз, марҳамат, дафтарга қайд қилиб, бемалол ишлайверинг деймиз. Кўпчилиги «хўп-хўп, эртага келамиз» дейди-ю, шу билан қайта қорасини кўрсатмайди. Жонимиз кириб қолди.

Бизнинг ҳудудимиз сувнинг энг охирги қулоғи ҳисобланади. Ҳозир сув танқислиги сезилаяпти. Хўш, бундай пайтда нима қилиш керак? Ўйлаб-ўйлаб даламиздан 600 метр наридан оқиб ўтадиган Булунғур ариғидан насос билан сув чиқариб олиб келишга қарор қилдик, фермерлар билан келишдик. Уларга ҳам маъқул тушди. Олдинги ҳокимимиз Тўхта Худойназаровга шу масала бўйича мурожаат қилдик. Ҳоким бова бизнинг ниятимизни қўллаб-қувватлади. Ҳаммамиз чўнтагимиздан пул тўлаб, 600 метрга қувур сотиб олдик, пайванд-монтаж ишларини ташкил қилдик. Мана ниҳоят, шу йилнинг апрел ойларида насос орқали сув олиб келишга муваффақ бўлдик. Қор бўлмади, ёмғир бўлмади, экин қовжираб қолди. Айниқса, жавзо ойида бўлган ҳарорат ғаллани эрта қовуриб қўйди. Мана ҳозир ғаллани ўрдик. Илгари бир бункер ғалла 2250 кг, 2,5 тонна чиққан бўлса, бу йилт икки бункер ғалла 2-2,5 тонна чиқаяпти. Фермерларимизнинг анчаси ана шу қурғоқчилик туфайли давлат буюртмасини ўзи бажаролмади. Шу боис далаларга сув таъминотини кўпайтириш учун иккинчи насосни ҳам ишга туширмоқчимиз. Ана ўшанда осмонга тикилиб ўтирмаймиз, ғалла ҳосили гектаридан 50-60 центнердан кам бўлмайди, худо хоҳласа. Помидор, мева-сабзавот режасини ўтган йили 200 фоиз бажарганмиз, бу йил ҳам ҳосил чўғи яхши, энг муҳими, сув муаммоси йўқ.

Тунов куни туманда ғалла ўримйиғимига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Вилоят миқёсидаги рахбарлар ҳам иштирок этди. Ғалла ўримининг аҳволини бир-бир суриштириб чиқишди. Ёлғон гапиролмайман, шу ҳақда мендан сўралганда, аҳволни тушунтириб, ғалла режасидан чиқолмасак керак-ов, дедим. Маҳаллий рахбарлардан бири «ҳа, энди ҳаракат қилинглар, юзимиз ёруғ бўлсин», деди. Йиғилиш тугаганидан кейин туман ҳокимининг ўринбосари Амир Пардаев (илгари раис бўлган) мени чақириб олиб, «Бажарамиз десанг, ўласанми?» деб шундай ҳақорат қилдики, айтмаган гапи, сўкмаган сўкиши қолмади. Одам бўлиб туғилганимга шундай пушаймон бўлиб кетдим. Қайси гуноҳларим учун бу хўрлик? Бор-е, деб ишидан ҳам кечиб юборгим келди. Лекин тирик банда, қочиб қаерга борасан? Иш билан овундим. Яна текшир-текшир бошланди. Ер ўлчагичлар келди. Еримизни ипидан игнасигача ўлчаб чиқишди. Худди бир қисмини олиб қўлтиғимга яшириб қўйгандай ўлчашди. Мен айтдим: ҳой, барака топгурлар, бу ерни ўн йилдан буён ўлчайсизлар, бирор кам-кўстини, кўп-камини топдингизларми, деб сўрасам, «ҳа, топширик бўлганидан кейин ўлчаймиз-да», дейишди. Ундан кейин туман ички ишлар бўлими бошлиғи келди. «Сизнинг ишингизни назорат қилишга келдим», деди. Бояқиш мен билан икки-уч кун юриб шароитни, аҳволни тушуниб етди...

Ана шунақа, тўғри гапни айтсанг, бошингда таёқ синади. Лекин насос ишга тушиб, сув кўпайса, худо хоҳласа, кейинги йил ғалламиз ҳам яхши бўлади.

Яна бир масала. Нима учун маҳаллий рахбарлар ҳосил пишгандан кейин фалон ҳосилни талаб қилиб бошлашади? Нима учун уруғликни олаётганда ойлаб навбат кутишимиз керак? Биз ўтган йили 15 октябргача экиб бўлишимиз лозим бўлган ғалла уруғини қатнай-қатнай ноябр-декабр ойларида олдик. Бунга ҳеч қайси рахбар пинагини бузгани йўқ. Ғалла ўз вақтида экилса, шунча кўп бошоқ боғлайди, ҳосил тўқ бўлади. Ана ўшани сўрайдиган одам бўлмади. Энди эса...

Муҳтарам Президентимиз ҳар бир чиқишларида уруғчилик масаласига алоҳида эътибор қаратадилар, ҳосилнинг кейинги тақдири уруғга боғлиқ эканлигини таъкидлаб келадилар. Айрим рахбарлар бу фикрларнинг мағзини чақиб кўришса, ёмон бўлмасди.

Мен юқорида тадбиркорлик фаолиятида тўсиқ бўлаётган айрим иллатлар ҳақида тўхталиб ўтдим. Аммо буларнинг барини ўткинчи, деб биламан. Чунки бугун ҳаётнинг оқимига назар ташласак, халқимиз кундан-кун илгарилаб бораяпти. Одамларнинг фикрлаши кечаги кундагидан тубдан фарқ қилади. Шундай экан, тараққиётимизнинг ўзи бу иллатларга барҳам беради. Мен бунга қаттиқ ишонаман.

Олмос МИРЗАЕВ,
Булунғур тумани
деҳқон-фермерлар
уюшмаси раиси

Савол беринг!

Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Ҳаётда ҳар хил вазиятлар бўлади. Агар бирон шахс тасодифан жиноят содир этиб қўйса ва суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилса, унинг вояга етмаган фарзандлари, уй-жойининг тақдири нима бўлади?

Б. Усмонов. Термиз шаҳри

Суд ишни кўриб чиқиб, жазо турини белгилашда, содир этилган жиноятнинг хусусияти, етказилган зарар ва айбни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиб, тайинланаётган жазо турининг шахснинг жамиятга қайтаришдаги таъсир даражасини инобатга олади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси ва қарамоғида ёрдамга муҳтож ҳамда қаровсиз шахслар бўлса, суд айблов ҳукмини чиқаришда уларни қариндошлари ёки бошқа яқин шахсларга топшириши, бундай шахслар бўлмаса, (ёки уларга қараш имкониятига эга бўлмаса) уларни турган жойидаги васийлик, ҳомийлик органларига топширилиши тўғрисида ажрим чиқаради.

Агар мол-мулки мусодара қилинмаган бўлса, судланувчининг мол-мулки ва турар жойини қўриқлаш чораларини кўриш зарурлиги тўғрисида эса суд тегишли ҳокимлик ёки ўзини-ўзи бошқариш органига хабар қилади.

* * *

Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳам юридик ёрдам олиш ҳуқуқи борми?

С. Орипов, Тошкент

Ҳа, албатта. Жиноят ижроия кодекси талабларига кўра, маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Уларга аризасига биноан юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан учрашишга рухсат берилади. Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашиши миқдори ва муддати чекланмайди.

* * *

“Бир куни ўртоғимнинг уйига меҳмонга бордим. Уй эгасининг ҳурмати учун 50 граммдан спиртли ичимлик истеъмол қилдик. Уйим бир икки бекат нарироқда бўлгани учун яна бир дўстим билан суҳбатлашиб яёв кетишга қарор қилдик. Шу пайт олдимиздан милиция ходимлари чиқди.

Ҳужжатларимизни сўраб, “ичганмисизлар”, — деб машиналаригa чиқариб ҳушёрхонага олиб келишди. Соат 24 00 да баённома тўлдириб, жарима ундирди.

Нимагадир, баённомага “200 гр ароқ ичдим” деб ёздиришга ҳаракат қилишди. Мен 50 грамм ичган бўлсам-да, лекин ҳеч қандай қоидага зид ҳаракатлар қилмаган эдим-ку. Милиция ходимларининг менга нисбатан қилган ҳаракатлари қонунийми?

А. Собиров. Тошкент вилояти

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 285 моддасида “Бошқа таъсир чоралари қўлланиб бўлингандан кейин ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти, баённома тузиш зарур бўлиб уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ,ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўрикдан ўтказишга, унинг ашёларини, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйишга йўл қўйилади”, - дейилган.

Демак, маъмурий тартибда ушлаб туриш учун ҳуқуқбузарлик факти амалда содир этилган бўлиши керак. Одатда, маъмурий тартибда ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилади. Унда баённома тузилган сана ва жой, уни тузган шахснинг лавозими, исми, фамилияси ушлаб турилган шахс тўғрисидаги маълумотлар, ушлаб туриш жойи ва асослари, ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат кўрсатилиши шарт. Баённомада ана шу ҳужжатлар тўлиқ ёки қисман кўрсатилмаган бўлса, ушлаб турилган шахс уни имзолашдан бош тортишга ҳақли. Бош тортиш сабаблари ёзма равишда билдирилади ва баённомага илова қилинади ҳамда бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади. Маъмурий тартибда ушлаб туриш 3 соатдан ошмаслиги керак. Қонун ҳужжатларида белгиланган айрим ҳолларда маъмурий тартибда ушлаб туришнинг бошқача тартиблари белгиланиши мумкин. Маъмурий тартибда бирон чора кўриш учун у ёки бу тарзда маъмурий ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатлари содир этилган бўлиши керак. Сиз айтган ҳолатда сизларни ҳушёрхонага келтириш ва маъмурий таъсир чораларини кўриш учун содир этилган хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарлик факти деб топилиши лозим, яъни маст ҳолатда жамоат тартибини бузиш (жанжал кўтариш, ҳақорат қилиш ва бошқа уятли сўзлар гапириб, осойишталикни бузиш, жамоат жойларида йиғилиб ёки ухлаб ётиш). Маъмурий тартибда ушлаб туришда ушлаб турилган шахсга нисбатан бирон бир тарзда ноқонуний чоралар қўлланилган бўлса, бу ҳақда ёзма равишда асослаб, тегишли туман (шаҳар) прокуратурасига мурожаат этиш лозим.

Милиция ходимлари томонидан, сиз агарда жамоат тартибини бузмаган, инсонийлик фазилатларига хос қадриятларни поймол қилмаган бўлсангиз, ҳушёрхонага олиб келишлари ва бу тўғрисида баённома тузишлари ноқонуний ҳисобланади.

Саволларга ҳуқуқшунос
Р.КОМИЛОВ жавоб берди

БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ ВА ГААГА КОНВЕНЦИЯСИ

Болаларнинг бошқа мамлакатларга ўғирлаб кетилишининг олдини олиш учун фуқаролик ҳолати бўйича ташкил этилган Гаага Конвенцияси

Иккинчи жаҳон урушидан кейин турли миллатга мансуб фуқароларнинг биргаликда оила қуришининг ва сўнгра эса ажралиб кетишининг оммавий тус олиши оқибатида болаларнинг ўзлари яшаб турган жойидан бошқа мамлакатларга мажбуран олиб кетилиши ҳолати ҳам кўпайди. Натижада болаларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш масаласи дунё аҳамиятидаги энг долзарб муаммога айланди. Ва бу ўз навбатида бутун дунё болаларининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган халқаро ҳужжатни қабул қилиш заруратини юзага келтирди.

1976 йилда 23 та мамлакат вакиллари иштирок этган Гаага шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда бевосита ана шу масала муҳокама қилинди. Америка Қўшма Штатлари ҳукумати мазкур Конвенциянинг юзага келишида катта ташаббус кўрсатди.

Гаага Конвенциясида иштирок этувчи мамлакатлар болалар манфаатини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифа эканлигини инобатга олиб, болаларни ўзлари яшаб турган жойдан бошқа мамлкатларга ўғирлаб кетилиши, зўрлаб ушлаб турилиши, бирон бир шахс ёки бирон бир ташкилотнинг қарамоғига мажбуран бериш каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун 1980 йили 25 октябрда мазкур тарихий ҳужжатга имзо чекдилар.

Мазкур Конвенциядан кўзда тутилган асосий мақсад бирор бир мамлакатда мажбуран ушлаб турилган болаларни ўз ватанларига қайтариш, бировларнинг қарамоғида бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборатдир.

Бугунги кунда Австрия, Австралия, Дания, Финландия, Франция, Германия, Исроил, Люксембург, Голландия, Норвегия, Португалия, Буюк Британия, Швеция, Швейцария, АҚШ ва яна бошқа 50 дан ортиқ мамлакат Гаага Конвенцияси иштирокчилари ҳисобланади.

Конвенциянинг 3-бандига мувофиқ қуйидаги ҳолатларда болаларнинг ҳуқуқи қўпол равишда бузилган деб ҳисобланади:

а) бирор бир шахс ёки ташкилот қарамоғига берилган боланинг қонунга номувофиқ равишда доимий яшаш жойидан бошқа жойга кўчирилиши.

б) боланинг доимий яшаб турган жойидан бошқа жойда мажбуран ушлаб турилиши.

Конвенцияга аъзо бўлган мамлакат ҳудудидаги ҳар бир бола 16 ёшга , яъни ўз тақдирини ўзи белгилаш даражасига етгунга қадар унинг ҳуқуқи халқаро миқиёсда ҳар томонлама ҳимоя қилинмоғи керак.

Конвенцияга мувофиқ;

- болани белгиланган қонунга асосан ўз қарамоғига олаётган шахс унинг доимий яшаш жойини ҳам танлаш ҳуқуқига эга.

Шу билан бир қаторда бола маълум бир муддатга ўзининг яшаб турган жойидан бошқа жойда ҳам яшаши мумкин.

Республикамиз Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майдаги №-629-1 ва 1999 йил 15 апрелдаги №-776-1 қарорига биноан Ўзбекистон ҳам мазкур Конвенцияга қўшилди ва у 1999 йил 1 августдан эътиборан амалий кучга кирди.

Конвенциянинг иккинчи бўлимида унга аъзо ҳар бир мамлакат томонидан Конвенциянинг бажариш учун тайин этилган Марказий ташкилот ҳақида сўз юритилади.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18 май 2000 йилдаги №192 **«Болаларни ўзлари яшаб турган жойдан бошқа мамлакатларга ўғирлаб кетилишининг олдини олиш учун ташкил этилган Гаага Конвенциясининг ташкилий масалалари тўғрисида»**ги қарорига биноан 2000 йил 8 августидан эътиборан ушбу Конвенциянинг бажарилишини назорат этувчи Марказий ташкилот сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тайинланди.

Конвенцияга мувофиқ мамлакатлараро Марказий ташкилотлар бирбирлари билан узвий алоқада бўлишлари, ўғирланган болани тезроқ уйига қайтариш учун қуйидаги барча чора-тадбирларни кўришлари лозим:

а) Бола мажбуран олиб кетилган ёхуд зўрлик билан ушлаб турилган жойни аниқлаш;

б) Болага етказилиши мумкин бўлган зарарни имкон қадар тезроқ олдини олиш;

в) Болани қайтариш учун қонуний музокаралар олиб бориш;

г) Боланинг аҳволи тўғрисидаги маълумотларни ўзаро алмашиш;

д) Зарур тақдирда жавобгар шахс ёки ташкилотлар устидан жиноий иш қўзғатиш, болани қайтариш учун ҳар томонлама қонуний ҳаракатлар олиб бориш;

е) Зарурат туғилган ҳолларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш.

Бирон бир болани мажбуран ўғирлаб кетилганлиги ёхуд зўрлаб ушлаб турилганлиги тўғрисидаги аризани қабул қилиб олган Марказий ташкилот уни дарҳол Конвенцияга аъзо бошқа мамлакатларнинг Марказий ташкилотларига ҳам хабар бериши ва боланинг уйига қайтарилиши учун ҳамкорликда ҳаракатлар олиб бориши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 3-бандининг ижроси бўйича Адлия вазирлиги қатор вазирликлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда Гаага Конвенцияси юзасидан бир қанча кўрсатмалар (тадбирлар) ишлаб чиқиб, уни Вазирлар маҳкамасига тақдим этди ва бу кўрсатмалар белгиланган тартибга мувофиқ 2000 йилнинг 8 августида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланди.

Кўрсатмага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия , Ички ишлар, Ташқи ишлар вазирликлари ва Прокуратура ходимлари иштирокида мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузулиб, унга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари зиммасига юклатилди.

Шуни айтиш керакки, Гаага Конвенцияси фақат унга аъзо бўлган мамлакатлардагина қонуний кучга эга. Бошқа мамлакатлар унга аъзо бўлгандан сўнг мамлакатлараро битимга келишиб олинади ва Марказий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилади. Нидерландия қироллиги ҳукуматининг берган расмий маълумотига кўра, Ўзбекистон билан Гаага Конвенциясига аъзо бўлган бир қатор мамлакатлар ўзаро ҳамкорлик шартномасига имзо чекканлар. Булар орасида Исроил (1999 йил, 1 октябр), Польша (1 январ 2000 йил), Словения (1 март 2000), Аргентина (1 апрель 2000 йил), Белоруссия (1 сентябр 2000 йил), Чили (1 октябр 2000 йил), Ирландия (1 январ 2001 йил), Швейцария (1 февраль 2001), Колумбия (1 апрел 2001), Испания (1 май 2001 йил) каби мамлакатлар ҳам бор.

Жиноят ва жазо

ФАРЗАНД АЗИЗ, ОДОБИ ЭСА...

Бугунги баҳсимиз ҳали суяги қотмай жиноят кўчасига кирган айрим болалар, уларни шунга ундаган турли хил иллатлар тўғрисида эмас, балки ана шу масалага биз — катталарнинг муносабатимиз ҳақида.

Мени бир савол узоқ вақтдан буён ўйлантириб келади: дунёга келаётган ҳар бир гўдак онадан фариштадай бегуноҳ ва пок бўлиб туғилади. Аммо йиллар ўтиб, улғайгач, бир-бирига ўхшамайдиган турли хил тақдир соҳибига айланишади. Ҳатто бир оилада, битта ота-онанинг тарбиясини олган фарзандлар турли хил қиёфада вояга етган ҳоллар ҳам учрайди.

Хўш, бундай номутаносибликнинг сабаби нима билан изоҳланади? Балки бунга нафс қутқуси сабаб бўлар? Ёки ўткинчи ҳо-ю ҳавасга берилиб, «кўрпага қарамасдан оёқ узатишдир»?

Агар атрофлича фикр-мулоҳаза юритсак, таҳлил этиб кўрсак, бунинг бир талай сабаблари борлиги аён бўлади.

Шу ўринда бир ҳаётий мисолга мурожаат этсак. Мен бир оила ва ундаги муҳитда тарбия топган болани узоқ йиллар кузатдим. Агар таъбир жоиз бўлса, жиноятчи бола қандай шаклланишини ана шу жараёнда англагандек бўлдим.

Оилада икки қиздан сўнг ўғил бола туғилди. Ҳамма қувонди, айниқса, отанинг хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Шу кундан бошлаб ҳамма эътибор ўғилга (ёки «ота ўғли»га) қаратилди. Оиланинг моддий имкониятлари ўртача бўлса-да, «ўғил бола»га шоҳона шароитлар яратиш учун оила аъзоларининг барчаси сафарбар қилинди. «Ҳаммадан олдин, ҳаммадан яхши ва ҳаммадан кўп!» шиори остида бола мактабни битирди. Табиийки, олий маълумот боланинг ўзи қизиққан соҳадан эмас, балки ота орзу қилган «энг обрўли» ва «энг қиммат» институтдан сотиб олинди. Биринчи курснинг биринчи сентябрида «ўғил бола» ўзининг шахсий енгил автомашинасига эга бўлди. Аввалбошда отанинг ваъдаси шундай эди...

Ана шу дақиқадан эътиборан вазият батамом ўзгарди. Албатта, яхши томонга эмас. Ҳам институт, ҳам енгил машина учун қилинган харажат отани чарчатиб қўйган эди. Бунинг устига икки опасини турмушга узатиш керак эди... Дард устига чипқон деганларидек, қутилмаганда ўғил «уйланаман», дея оёқ тираб туриб олди. Яна кимсан, фалончининг қизини олиб берасиз, деган шарт қўйди. Ота-она ҳозир қурблари етмаслигини, ҳеч қурса, бирон йил сабр қилиш лозимлигини тушунтирмоқчи бўлишди. Аммо фарзанд уларнинг гапини эшитишни ҳам истамасди: уйлантириб қўясизлар, тамом-вассалом.

Ҳадемай тўй ҳам бўлиб ўтди. Лекин барча сарф-харажатлар қарз ҳисобига қопланди. Ота-она шу билан ўғлимизнинг ташвишидан қутулдик, дея ҳаммасига кўз юмиб қўйишган эди. Афсуски, бу ҳали ҳолваси экан.

Бир куни «ўғил бола» қутилмаганда, беш-олтита ўзига ўхшаган улфатлари билан уйга кириб келди. Ўзи ҳам, улфатлари ҳам оёқ кийимларини ечмасдан гиламлар устидан юриб, тўрдаги хонага кириб кетишди. Ташқарида ёмғир қуйиб турганги учун яп-янги гиламлар оёқ изидан лой билан қопланди. Кечроқ ишдан қайтган она бу аҳволни кўриб, ўғлига танбеҳ бергандек бўлди. «Ўғил бола» эса онасига қараб: «Нима, шу гиламингиз мендан ҳам азизми? Бугундан бошлаб мен йўқман, гиламингизни қучоқлаб юраверинг», деб аразлаб, уйдан чиқиб кетди. Шундан сўнг қарийб бир йил у қорасини ҳам кўрсатмади. Бу орада у «энг қиммат институт»дан ҳам ҳайдалди.

Тоқати тоқ бўлган хотини ҳам ахийри уйига кетиб қолди. Оила бузилди. Атрофлича фикр юритган киши воқеалар жараёни, унинг руҳий оқибатларини тўла тасаввур қилади.

Мана сизга «Энг олдин, энг яхши ва энг кўп!» деган ақида билан вояга етган, аниқроғи, вояга етказилган ўғилнинг қисмати. Унинг кейинги ҳаётини тасаввур этиш унча қийин эмас. У аввалгидек яхши яшаш учун кўпроқ қандай йўл танлайди?

Ҳа, албатта, енгил-елпи йўл билан кўпроқ пул топишни хоҳлайди.

Бундай йўл эса кишини кўпроқ жиноят кўчасига етаклайди.

Яқинда тасодифан шу йигитни кўриб қолдим. «Домла, - деди у, - мени болалагимдан зўр яшашга ўргатишган. Мен ўзимдан ҳеч нарсани аямайман. Ҳаётдаги барча хоҳишларим амалга ошишини истайман! Мен узоқ умр кўришни ҳам, кимгадир хизмат қилишни ҳам хоҳламайман. Қисқа умр кўрсам ҳам, яхши яшашим керак!»

Мана, йигитнинг ҳали гўдаклик чоғидан онгига сингдирилган ва охир-оқибат унинг ҳаётини издан чиқарган ақида.

Хўш, бунинг учун кимни айблаш керак? Ўғилними, ё ота-онани?

Бу ҳаётий мисол замирида ҳар биримизни фикрлаш, мушоҳада юритишга ундайдиган талай сабаблар мавжуд. Чунки битта боланинг йўлдан адашиб, жиноят кўчасига кириб қолиши ҳам ҳаётда беиз кетмайди. Ва бунинг сабаблари таҳлил этилса, у аксарият ҳолларда, сиз билан бизнинг муносабатимизга бориб тақалади.

Ва ниҳоят, яна болалардаги бўш вақт масаласи ҳақида. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, жиноятнинг қарийиб 84 фоизи ишдан (ўқишдан) ташқари вақтда, дам олиш кунларида, байрамларда, кечаси ва тунда, хуллас, бўш вақт доирасида содир этилар экан. Агар болаларимизнинг бўш вақтлари назорат қилинса ёки бу вақт фойдали мазмун билан бойитилса, жиноятчи болаларнинг потенциал миқдори анчага камайиши табиий.

Юқорида таъкидланганидек, ҳеч ким онадан жиноятчи ёки ўғри бўлиб туғилмайди. Ҳаммасига оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг масъулиятсизлиги сабаб бўлди. Баъзан «Мен қийналдим, болам қийналмасин», қабилида иш тутиб, билиб-билмай жиноятга йўл очамиз. Фарзандларимиз онгида «Ҳамма нарсага ўз билимим, меҳнатим билан эришишим керак» деган тушунчани эмас, балки «Ҳамма нарсани ота-онам тайёрлаб беради» деган ақидани сингдириб қўйганимизни сезмай қоламиз. Иккинчидан, аччиқ бўлса ҳам айтиш жоизки, фарзандларимиз кўз ўнгида юксак ғояларни, олижаноб инсоний сифатларни арзимас маиший қулайликларга, қичик манфаатларга алмаштириб қўямиз. Буни кўриб-билиб турган болалардан мустаҳкам эътиқодни, эзгу инсоний садоқатни талаб қилиб бўладими? Албатта, йўқ. Учинчидан, кўп ҳолларда фарзандларимизнинг шахсий «мен»ини ҳурмат қилмаймиз, уларнинг фикрига беписанд қараймиз. «Болам бўлсанг — мени айттанимни қиласан», дея улардаги шахсиятни сўндириб қўямиз. Қирқ ёшида ҳам мустақил фикрга эга бўлмаган «болалар» камми? Уларда қатъий ирода қачон шаклланади ва ўзининг шахсий ҳаёт йўли қачон бошланади?

Албатта, битта мақола доирасида бу мавзу ҳақида батафсил фикр юритиш қийин. Энг муҳими шуки, келажак ворислари бўлган фарзандларимиз фақатгина маиший ҳаёт атрофида ўралашиб қолмасинлар. Мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этувчи катта фикр эгалари ва ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчилари бўлиб етишсинлар.

Дилмурод МУҲАММАДИЕВ,
педагогика фанлари номзоди

XXI аср: Ўзбекистон ёшлари

ОЛҚИШЛАР ОҒУШИДА

Яқиндагина Чехиянинг кўҳна Орлици Уст шаҳрида бўлиб ўтган нуфузли халқаро танловда ҳамюртларимиз Нодир Ҳошимов биринчи ўрин ва бош соврин Гран-прига, Елена Кислова эса учинчи ўринга муносиб деб топилди.

В.Успенский номидаги республика мактаб интернати ўқувчилари Нодир Ҳошимов ва Елена Кислова АҚШ, Германия, Словения, Исроил, Болгария ва украиналик тенгдошлари қаторида ўз юртлари шаънини муносиб ҳимоя қилишди.

Танлов шартига кўра саралаш баҳслари икки босқичда, қуръага кўра ўтказилди. Унга чех композиторлари, Шостакович, Мендельсон, Паганини, Фиокко, Венявский, Сарасте сингари санъат усталарининг асарларини ижро этиш мажбурий дастур сифатида киритилганди.

Елена Кислова бу каби танловларда илк бор иштирок этаётган бўлса-да, чех мусиқасини теран тушуниши билан ҳакамлар эътиборини тортди. Ян Кубеликнинг кўҳна услубдаги Мануэтнини ижро этган Нодир Ҳошимовни эса юксак маҳоратли ижроси, чех мусиқасининг ўзига хос талқини учун бутун зал тик туриб олқишлади.

Елена Кислова ҳам Фиокконинг «Аллегро»сини ижро этаркан, ўзининг бор маҳорати, мураккаб синовларни енгиб ўтишга қодирлигини намойиш эта олди. Ва ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар... Нуфузли ҳакамлар ҳайъати Нодир Ҳошимовни биринчи ўринга, Елена Кисловани учинчи ўринга муносиб деб топганини ҳамда скрипкачиларнинг Я.Коциан номли 43-халқаро танлови гран-приси ҳам Ўзбекистон вакили Нодир Ҳошимовга насиб этганини эълон қилади.

Албатта, бу воқеа нафақат оддий ғалаба, балки ўзбек скрипка мактабининг жаҳон миқёсидаги зафарли «юриши» ўзбекистонлик ёш скрипкачиларнинг устози, профессор А.Ҳошимовнинг катта муваффақияти ҳам эди.

Шу ўринда М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси магистри, концертмейстер Наргиза Камолованинг хизматларини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Ҳакамлар ҳайъати Наргизани ушбу танловнинг энг яхши концертмейстерларидан бири деб топди.

Энди бевосита Гран-при соҳиби Нодиржон ҳақида тўхталадиган бўлсак, у тарбия топган оилани тўла маънода санъаткорлар оиласи десак, хато қилмаймиз. Отаси Абдуваҳоб Ҳошимов скрипкачи, санъатшунослик номзоди, профессор, Тошкент Давлат консерваториясида кафедра мудири. Онаси Дилбар Ҳошимова ҳам санъатшунослик номзоди, доцент, мусиқа педагогикаси кафедраси мудири.

Аслини олганда Нодиржоннинг халқаро танловдаги бу муваффақиятига замин анча илгарироқ яратилган эди. У 1999 йилда илк бор «Санъат ғунчалари» республика конкурсида қатнашиб, биринчи ўринга лойиқ деб топилди. 1999-2000 йиллар давомида Германиянинг Бад Киссинген шаҳрида ўтказиладиган анъанавий мусиқа фестивалида иштирок этиб келди. 1999 йилда эса аъло ўқиши ва фаол мусиқий ишлари инобатга олиниб, Ўзбекистон Президенти стипендианти бўлди. Бир йил ўтгач, Республика Улуғбек жамғармасининг дипломи билан тақдирланди. Сал кейинроқ скрипкачиларнинг Литвада бўлиб ўтган халқаро танловида, танловнинг «Энг истеъдодли ва истиқболли қатнашчиси» номли махсус совға лауреати бўлди. Жорий йилнинг январида яна бир омадли қадам ташланди. Унинг Москва шаҳрида ўтказилган концертлардаги муваффақиятли фаол иштирокини Владимир Спиваков номли халқаро-хайрия жамғармаси муносиб баҳолаб, жамғарма стипендиантлари қаторига қўшди.

Нодиржоннинг қадим чех заминида эришган улкан ютуғи бир сўз билан айтганда ўзбек фарзандининг истеъдоди ва маҳоратига жаҳон мусиқа аҳлининг берган муносиб баҳоси бўлди.

Ҳа, айтганча, уларнинг ушбу нуфузли танловда иштирок этишида Очиқ жамият институти (Сорос жамғармаси), «Тошбозортайёрловсавдо» акционерлик жамиятлари Ассоциацияси, «Электрқишлоққурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамияти, Чехиянинг «Клуб-97» фирмалари ҳомийлик қилишди.

Е.ВЕЗИРЯН,
педагогика фанлари номзоди

Оталар дейдики:

Кишидаги энг ёмон хислат — ўта бахиллик ва ўта қўрқоқликдир.

***

Қариндошларга мурувват қилиш хушхулқлик ва яхши қўшничилик — юртни обод ва умрни зиёда этади.

***

Тонгги уйқу ризқни қисқартиради.

***

Ёнаётган ўт ўтинни қандай кемирса, бировларни қўролмаслик ва ҳасадгўйлик савобларни ҳам шундай қийратади.

ДАЛАДАГИ ҚОТИЛЛИК

ёки турмуш ўртоғи, туғилажак фарзанди ҳаётига зомин бўлган қотил эр хусусида

Асли сариосиёлик, тақдир тақозоси билан Шеробод туманида истиқомат қилаётган Баҳринисо Авазова турмушга чиққанидан бошқа тенгдошлари сингари ўзида йўқ шод эди. Мана, унинг энди турмуш ўртоғи — ҳаётда суянчиқ, оғир дамларда ҳамдард бўлгувчи ишонган ёри, жуфти ҳалоли бор.

Тўй ўтгач, турмуш юмушлари бошланиб кетди. Кўп ўтмай Баҳринисо оқшомлари ширин сўзлар ўрнига зардали оҳангларни эшитар, балки эрим кўчадан биронтаси билан жанжаллашиб келиб, аламини мендан олаётгандир, деб олдинлари ўзини овутиб юрди. Бироқ кейинчалик эри Боймирзо томонидан муомала ва ҳаракатларда хотин устидан ҳукмронлик ўрнатиш ҳисси кўпроқ сезилиб қолганлигидан ич-ичидан қуйиниб, ундан бутунлай кўнгли қола бошлади. Эри илк бор тарсаки туширганида онасиникига кетиб ҳам қолди. Лекин қариндошлар ўзимизга таниш бўлган, ўша эски мақолда айтилганидек, «Эр-хотиннинг уруши, дока рўмолнинг қуриши», дейишиб, уларни яраштириб кетишди. Аммо эрда аёлга нисбатан меҳр бўлмаса, ҳурмату иззат бўлмаса, яшашдан не маъно?

Навбатдаги жанжалларнинг бирида, аниқроғи, хўрланишлардан сўнг Баҳринисо яна онасиникига кетиб қолди. Эрининг «Юр, уйга кетамиз, энди тинчгина яшаймиз», деган гапларига ишонмади.

...2001 йилнинг март ойи. Олам яшилликка бурканаётган фасл. 11 март куни қизлар билан далага ўтин тергани борган Баҳринисонинг олдидан ногаҳон эри Боймирзо чиқиб қолади. У Баҳринисога:

- Юр энди, уйга қайтайлик, тумшуқ қилиб ота-онангникида юраверасанми? - дея уни муросага келтирмоқчи бўлади. Аслида эса чап ёки илмоқли гап гапирса, аламимни оламану бирдан ундан қутуламан, дея хаёлидан ўтказиб қўяди. Воқеа худди шу тарзда Боймирзо кутгандек давом этади.

- Мен сиз билан яшамайман, шунча хўрликларга, алдовларингизга чидаб келдим. Сабр-бардошим тугади. Энди билганингизни қилинг, боринг, мени тинч қўйинг! - дея рад жавобини беради Баҳринисо. Шуни кутиб турган баддаҳл эр:

- Эрини писанд қилмай, гапини икки қиладиган хотиннинг жазоси шу, - дея ғазаб қиличини қайрайди. Чўнтагига солиб келган ошпичоқнинг дастаси билан Баҳринисонинг бош қисми орқа томонига, бўйнига кетма-кет уради. Ожиза аёлнинг нима ҳам жони бор — боши айланиб, йиқилиб тушади. «Илтимос, ўлдирманг!», деб ёлворади. Боймирзонинг қўлидаги ошпичоқни жон-жаҳди билан ушлаб тортади. Афсуски, энди қуролнинг тиғи ишга тушгач, совуқ қурол билан совуқ режа «бирлашиб» қилгуликни қила бошлайди. Пичоқ Баҳринисонинг бўйни, оёғига қатти шикаст етказиб, ҳаммаёқ қонга беланади.

Номард эр хотинининг бошқоронғу эканлигини билса-да, уни қасддан ўлдиради. Боймирзо бир нарсани ўйламади — Баҳринисо унинг турмуш ўртоғи, унга тан маҳрам, ундан ҳомиладор эди. Энг муҳими, у ожиза аёл эди. Ундан ўч олиб, юрагида ёниб ётган адоват ўтини сўндирмоқчи бўлиб, эркакнинг ишини қилдим, боплаб ундан аламимни олдим, энди у тирик қолса бутун умр менга тобе бўлиб, бўйин эгиб, хизматимни қилиб яшайди. Мабодо ўлиб кетса, у ёғига Худо пошшо, - деди-ю, бир пайтлар ширин орзулар билан висол кечаларини бирга ўтказган, айни пайтда эса ҳаёт билан видолашиб, жон таслим қилаётган, балки юрагининг аллақаеридадир яшашга бўлган умид учқунлари порлаётган келинчакни бийдай далага номардларча ташлаб кетди.

Баҳринисо билан бирга келган Зарнигор бу кўргулик ҳақида келинчакнинг ота-онасига хабар етказиш учун кишлоқ томон чопиб кетади. Оғир аҳволдаги Баҳринисони туман марказий касалхонасига олиб борадилар. Аммо...

Турмуш ўртоғини вахшийларча ўлдирган қотил эр — Боймирзо Наханова суд 20 йиллик муддат билан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади. Ҳа, вафо қилган вафо, жафо қилган жафо топқусидир, деб бежизга айтмаганлар. Боймирзо ана шу жазога лойиқ эди.

Ушбу жиноят ишининг тафсилотлари билан батафсил танишиб чиққан киши шунга амин бўладики, маҳалла-кўй, жамоатчилик, ҳатто айрим масъул идора раҳбарлари ҳам инсон тақдирига анчайин бефарқ ва енгил-елпи қарашар экан. Агар бу бефарқлик, меҳр-оқибатсизлик бўлмаганда эди, Баҳринисо яшаши мумкин эди. У бўлажак она эди ва боласини суйиб-эркалаб яшашдек бахтга лойиқ эди...

Жаббор МАМАДАМИНОВ,
Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Тошкент Давлат юридик институти доценти, юридик фанлари номзоди

Рустам Расулович РАҲИМБЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Қадаҳ сўзи айтишга нима ҳожат бор? Ахир, у вақтни олади-ку?

* * *

Нодон нима қиларини билмагани учун ичади. Ақлли одам эса ҳамиша бунга асос топади.

* * *

Уйини шип-шийдам қилиб кетган ўғрини сўроқлаб даъвогар қамақхонага келди.

— Уни бошингизга урасизми? Жуда зарил бўлса, судда кўришасиз, — дейишди унга.

— Гап бошқа ёқда, — деди у. — Агар у менга ярим кечаси қайнонамни, хотинимни уйқусини бузмай, уйга қандай кириш мумкинлигини ўргатса, даъвомдан воз кечмоқчиман.

* * *

Олти яшар бола дераза ромларини бўяётган отасига қараб турибди. Онаси келиб, унга деди:

— Катта бўлсанг, отангга ёрдам берасан.

— Нима, ўшангача ҳам бу тугамайдими?

* * *

Хотин эридан сўраяпти:

— Кеча қўшни башарангга туширганда, нега дамингни ичингга ютдинг?

— Қанақасига дамимни ичимга ютдим? Ахир, мен йиқилиб тушдимку!

* * *

Эр хотинига деди:

— Ҳайронман, менга ўхшаган тентак билан сен қандай яшайсан, а?

— Хўш, менинг ўрнимда бўлсанг, ўзинг нима қилар эдинг?

— Сенинг ўрнингда бўлсам, ўзимни осар эдим.

* * *

Ошхонада қозон-товоқни юваётган отасидан ўғли сўради:

— Ота қўшхотинли қандай бўлади?

— Қўшхотинли шундай одамки, менга нисбатан икки баробар кўп қозон-товоқ ювади.

Суд ҳукми билан олий жазога ҳукм қилинган жиноятчиларнинг умумий сони Японияда 101 нафарни, АҚШда эса 3700 нафардан кўпроқни ташкил қилади. Иккала давлат ҳам «қилмишига яраша» деган ҳуқуқий принципни қатъий ҳимоя қилишмоқда. Масалан, Оклахома-Ситида 186 кишини портлатиб юборган (аниқроғи, уларнинг ҳаётини тортиб олган), аммо қилмишидан пушаймон бўлмаган ашаддий қотил Тимоти Маквея кабилар ўз қурбонлари кетидан у дунёга равона бўлиши шарт! Шунга қарамай Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг ёзги сессиясида йиғилган депутатлар Америка ва Японияга эътироз билдирдилар.

Ўқинг, бу қизиқ

ЭЛЕКТР СТУЛИ... ЎЧИРИЛМАСИН!

Ўлим жазосини бекор қилишни хоҳламаганликлари учун АҚШ ва Японияни Европа Кенгаши жиддий огоҳлантирмоқда

Ўтган ҳафта Страсбургда бўлиб ўтган ўлим жазосига қарши Биринчи конгресс иштирокчиларининг фикрича, олий жазо ҳали ҳеч қачон жиноятчиликнинг камайишига, ҳатто бир даражада тўхтаб қолишига ҳам сабаб бўлолмаган. Бунинг устига ҳали ҳеч ким томонидан ўлим жазоси остидаги қўрқув билан жиноятнинг сабаб ва оқибатлари орасидаги боғлиқлик аниқланмаган. Билакс, ўлим қўрқуви (аниқроғи, ўлим ваҳимаси) остида жиноятлар турининг янада кўпайиб кетиши эҳтимолга яқинроқдир. Ҳар ҳолда, Америка жиноятчилик оламида ўлим жазосидан қўрқиш жиноятчилик даражасининг пасайишига ҳеч қандай таъсир этолмаяпти.

Умуман айтганда, бу мавзу ҳақида фикр юритар эканмиз, беихтиёр хаёлимизни бир қатор жавобталаб масалалар банд этади: инсонга ўлимни раво кўриш, уни тантанали тарзда атайлаб ўлдириш одати қачон пайдо бўлган? Қайси тоифадаги жиноятчи учун бундай олий жазо қўлланилади? Унинг тарбиявий ёки профилактик аҳамиятини аниқ белгилаш мумкинми? Баъзан ўлим жазосига таъриф бера туриб, уни ўта соддалаштириб ҳам юборамиз: «Бировнинг жонини олгани учун ўз жонини бериб, ҳисобни тўғрилаб қўйиш...»

«Ҳар ҳолда, - таъкидлайди Европа Кенгашининг Бош котиби Валтер Швиммер, - Рейкьявикдан Владивостоккача бўлган кенгликда бир неча йиллар давомида ўлим жазоси амалга ошмади. Аксарият ҳолларда, жамоатчилик фикри сиёсатчиларнинг оммабоп мурожаати остида шаклланади. Ана шу омилдан фойдаланадиган сиёсатчилар осонгина кечадиган ўлим жазоси орқали ўзларини жиноятчиликка қарши курашга тайёрликларини намойиш этадилар. Страсбургда йиғилган ҳуқуқ ҳимоячиларнинг ана шу мантиққа асосланган «жонкуярлик»ларини фаҳмлаб олиш қийин эмас».

Конгрессда сўз олган доғистонлик депутат Ғаджи Махачевнинг фикрича, ўлим жазосига қарши курашишдан кўра, терроризм ва наркоманияга қарши курашишнинг аҳамияти кўпроқ. Чунки ўлим жазоси генофондни бузмайди. Кейинги иккинчи иллат эса бутун инсониятни ҳам ички ва ҳам ташқи қиёфасини бузиб юборишга қодир бўлган салбий кучдир. Демакки, уч йўналишдаги жиноятчиларни сўзсиз олий жазога тортиш керак: 1. Терроризм; 2. Наркотик моддаларни тайёрлаб тарқатиш, болаларни наркобизнесга жалб қилиш; 3. Ватанга хоинлик қилиш.

Лихтенштейнлик депутат Ренатой Волвенд бошчилигидаги ҳуқуқий масалалар ва инсон ҳуқуқлари Комитети АҚШ ва Японияда ушбу масаланинг қандай амалга оширилаётгани ҳақида батафсил тадқиқотлар олиб борди. Маълум бўлишича, Японияда ўлим жазоси атай сирли ҳолатда ижро этилар экан. Масалан, осиб ўлдириш «муолажаси»нинг бошланишига бор-йўғи 45-60 дақиқа қолганда бу ҳақда маҳкумнинг ўзига эълон қилинар экан. Ўзўзидан аёнки, бу қисқа муддатда маҳкум ҳеч қандай реал «ҳаракат» қила олмайди: адвокат билан боғлана олмайди, авф этиш ҳақида илтимоснома ёзолмайди, ҳатто яқинлари билан видолаша олмайди ҳам. Бунинг устига ҳукм ижросининг ана шундай тез кечишини билган жиноятчи ўтаётган ҳар кун ва ҳар соатни «охирги» деб ҳисоблайди ва ўта оғир руҳий азоб остида яшайди. Бу ҳолатни (ўлимга маҳкум этилган камерасини) 1989 йилдаёқ инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қаттиқ қоралаган ва уни «ноинсоний муносабат», «қийноқ ҳодисаси» деб баҳолаган эди. Афсус ва надоматлар бўлсинким, бу ҳодисанинг «таъмини татиб кўриш» бўйича япониялик Сакае Мендага тенг келадигани йўқ: у роппа-роса 33 йил давомида ўзининг охирги дақиқасини кутди. Мўъжиза юз бериб, унинг бегуноҳлиги аниқланди. Ўлим дақиқаларини кутиб яшаш ниҳоясига етди. У оқланиб чиқди.

Америкада ҳам ўлим жазоси ва унинг ижроси ҳақида бир мунча маълумотлар тўпланди. Аксарият штатларда олий жазо мавжуд. Ўн учта штатда олий жазо ман этилган ёки «думи хуржунда» қилиб қўйилган. 1977 йилдан ҳозиргача америкаликлар 712 та жиноятчи ана шундай жазо олди. Улардан 540 тасини укол қилиш, 149 тасини электр стулига ўтқазиш, қолганларини эса заҳарли газ билан нафас олдириш, осиш, отиш орқали ҳукм ижро этилган. Ҳатто вояга етмаганлар ҳам, ақлий норасолар ҳам ўлим жазосига тортилган ҳолатлар учрайди. Шундай ҳолатлар ҳам бўлдики, ҳукм ижросини охирги дақиқада эмас, энг сўнгги сонияда тўхтатиб қолишди: маҳкумнинг томирига киритилган игна туриб қолди; электр стулига боғлаб қўйилган маҳкум қайта ечиб олинди...

Америкача тартибнинг бу кўринишлари европаликлар учун ўта кетган қўполлик, инсон қадрини ерга уриш деб баҳоланмоқда. Устига-устак суд жараёнидаги хатолар ҳукм ижро этилгандан сўнг аниқланиб қолган ҳоллар ҳам бўлган. Яъни ҳақиқий жиноятчи қолиб кетиб, бошқа одам олий жазога тортилган.

2000 йил февралидаги Геллап ҳудудида ўтказилган сўровлар натижаси шуни кўрсатдики, олий жазога ҳукм қилинганларни альтернатив тарзида бир умрлик қамоқда ушлаш (авф этиш ҳуқуқисиз) тартибини жорий этиш таклифига 52 фоиз сўраганлар «маъқул» жавобини бердилар.

...Европа Кенгаши шундай хулосага келди: 2003 йил 1 январгача Вашингтон ва Токио ўзларининг суд амалиётларини «кенг жамоатчилик фикри»га бўйсундирмаса, улар Европа Кенгашидаги «кузатувчилик» мақомидан маҳрум бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Ҳа, инсон дунёга келар экан, унинг энг катта ҳуқуқини — яшаш ҳуқуқини олиб қўйиш бу ҳазилакам иш эмас. Бу ҳақда чексиз гапириш ва ёзиш мумкин. Аммо... Инсонларнинг ўзларидан чиққан балолар, сон жиҳатидан саноққа ҳам илинмайдиган «наслдошлар» ҳам борки, инсониятни ўз-ўзини тозалашга, ўз-ўзини даволашга, ўз-ўзини тарбиялашга мажбур қилади.

«Труд» газетаси материали асосида тайёрланди

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2643. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Навбатчи: С. ЭРГАШЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Л. КУЛИШОВА
Компьютер оператори: З.БОЙМИРЗАЕВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.